

# Муслима

Ойлик ижтимоий-маърифий журнал,  
Рабиус соний 4-сон



[muslimaat.uz](http://muslimaat.uz)



**«ОМИНА» ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛИНИНГ  
ХАЙЪАТ АЪЗОЛАРИ:**

*Муяссар Қаямова  
Гўзал Дадамўхамедова  
Ирода Аҳмедова  
Назокат Қосимова  
Дилафруз Юсупова  
Одинахон Муҳаммад Юсуф  
Гулнода Мўминова  
Зарнигор Аҳмадалиева  
Умму Муҳаммад Билал*



*Дизайнер Равшан Маликов*



Электрон манзил: [muslimalar1@gmail.com](mailto:muslimalar1@gmail.com)



**НОМУС ВА МАҚР** 3

---

**АВРАТ МАСАЛАСИ** 10

---

**ТАРБИЯДА БЕЪЪТИБОР  
БЎЛМАЙЛИК!** 15

---

**КИБР ВА ТАКАББУРЛИК** 17

---

**ФАРЗАНДНИНГ ХАҚЛАРИ** 19

---

**ОДОБ – КАТТАЛАРДАН** 22

---

**ЖАННАТГА  
ЕТАКЛОВЧИ ВОСИТА** 24

---

**ОЛЧАЛИ КЕКС** 30

---



# НОМУС ВА МАКР

*Номус – инсон қалбининг энг бебаҳо гавҳарларидан бири. Ҳар қандай ҳолатда уни пок ва саломат асраш мўмин кишининг асосий вазифаларидан ҳисобланади. Фақат ҳақиқий мўмингина энг мураккаб имтиҳонлардан покиза номус билан ўта олади.*

*Шайтон мўминнинг номусини ҳамшиша макр тузоги билан овлаш пайида бўлади.*

*Аллоҳ таоло Қуръони каримда бу ҳолатнинг аниқ хабарини билдириб қўйди. Мазкур оятларда ҳар биримиз учун ўрнак ва ибратлар бор. Қуръони Каримнинг Юсуф сурасида Аллоҳ таоло марҳамат қилади:*

**«Ва уни Мисрда сотиб олган ўз хотинига: «Унинг турар жойини яхши қил, ажаб эмаски, бизга манфаат берса ёки бола қилиб олсак», деди. Ана шундай қилиб, Юсуфга ер юзида маконат бердик. Бу унга тушларнинг таъбирини ўргатишимиз учун ҳамдир. Аллоҳ Ўз ишида ғолибдир. Лекин одамларнинг кўплари билмаслар».**

Ушбу оятдан тижоратчилар Юсуфни Мисрга олиб келиб, сотганлари маълум бўлмоқда.

**«Ва уни Мисрда сотиб олган ўз хотинига: «Унинг турар жойини яхши қил, ажаб эмаски, бизга манфаат берса ёки бола қилиб олсак», деди».**

Бу одам Юсуфни кўриши биланоқ унда яхшилик борлигини, оддий кул эмаслигини англаган кўринади. Бўлмаса, ким ҳам ўзи сотиб олган кулни яхшилаб жойлаштиришни хотинига буюриб, кул болани фарзанд қилиб олишни ният этарди. Аллоҳ таоло ҳар ишга қодир. Акалари томонидан қудуққа ташланган, савдогарлар томонидан кул қилиб сотилган, бир иш қилишга ихтиёри йўқ Юсуф ҳақида Аллоҳ таоло:

**«Ана шундай қилиб, Юсуфга ер юзида маконат бердик. Бу унга тушларнинг таъбирини ўргатишимиз учун ҳамдир»**, деб хабар бермоқда.

Аллоҳнинг тадбири бўлмаса, қарвон қаёқда-ю, қудуқ қаърида ўтирган Юсуф қаёқда?! Қарвон тўхтамай, ўтиб кетса ҳам бўлаверарди. Аммо тўхтади. Сувчисини юборди. У Юсуфни кўрди. Уни сотиб, фойда қилмоқчи ҳам бўлдилар. Беркитиб қўйишмас, бирорта маҳаллий одам уни кўриб, Мисрга бормай, қолиб кетиши ҳам мумкин эди. Лекин Аллоҳ уларнинг кўнглига беркитиб қўйишни солди. Уни Мисрда сотиб олган кишининг қалбида эса меҳр-

шафқат уйғотди. Мана шундай қилиб, у энг яхши жойга жойлаштиради. Бу ҳам келажақда бўладиган улуғ ишлар томон бир қадам силжиш эди.

**«Аллоҳ Ўз ишида ғолибдир».**

Ғолиб сифати ила У Зот юкорида айтилганларни қилди.

**«Лекин одамларнинг кўплари билмаслар».**

Жумладан, Юсуфнинг акалари ҳам билмайдилар.

**«Вояга етган вақтида унга ҳукми ва илми бердик. Гўзал иш қилувчиларни шундай мукофотлармиз».**

Яъни «Юсуф вояга етганда, унга ҳамма нарсада тўғри ҳукм чиқариш ва илм фазлини бердик. Бу фазл унга яхши амал қилгани учун берилди. Биз:

**«Гўзал иш қилувчиларни шундай мукофотлармиз».**

Юсуф вояга етиб, ҳар бир ишда тўғри ҳукм чиқарадиган соҳиби илм бўлган чоғида яна имтиҳонга учради:

**«У уйида бўлган аёл ундан нафсини хоҳлади. Эшикларни беркитиб: «Бу ёққа кел!» деди. У: «Аллоҳ сақласин! Ахир у турар жойимни яхшилаб берган хожам-ку! Албатта, золимлар зафар топмаслар», деди».**

Яъни Юсуф келиб тушган уйдаги аёл – уни қарвон эгаларидан сотиб олган кишининг хотини ундан нафсини қондиришини хоҳлади. У билан фахш иш қилмоқчи бўлди.

**«Эшикларни беркитиб: «Бу ёққа кел!» деди».**

Бу тасарруфотлар хотин Юсуфни жуда ҳам қаттиқ севиб, унга етишишга азму қарор қилганини кўрсатади. Бўлмаса, аёл киши ҳеч қачон уйдаги хизматкор йигитга, эшикларни беркитиб туриб, «Бу ёққа кел», деб очикдан-очик айтмайди. Аммо Юсуф хотин ўйлаган енгилтак йигитлардан эмас. У Аллоҳдан кўрқади, Аллоҳ унга ҳар бир нарсада тўғри ҳукм чиқаришни амр қилган ва илм берган. Ҳар қандай шароитда ҳам ҳаром ишга бормайди.

**«У: «Аллоҳ сақласин! Ахир у турар жойимни яхшилаб берган хожам-ку! Албатта, золимлар зафар топмаслар», деди».**

Яъни «Бундай ҳаром ишни қилишдан Аллоҳ сақласин, – демоқда. Кейин у яхшиликни унутадиган одам ҳам эмас. Шунинг учун ҳам: – Ахир у (яъни уй эгаси – хотиннинг эри) жойимни яхшилаб бер-

ган хожам-ку. Менга шунча яхшилик қилган инсонга хиёнат этиб, хотиннинг гапига кириб, фахш иш қиламанми? Агар шундай қиладиган бўлсам, золимлардан бўламан», деди.

**«Албатта, золимлар зафар топмаслар, деди».**

Аммо хотиннинг зулм, хиёнат, адолат, риоят, Аллоҳдан қўрқиш деган нарсалар билан иши йўқ эди.

**«Батаҳқиқ, хотин унга интилди. У ҳам, агар Роббининг бурхон(далил)ини кўрмаганида, у(хотин)га интилар эди. Ундан ёмонлик ва фахшни узоқлаштириш учун шундай қилдик. Албатта, у танланган бандаларимиздандир».**

Юсуф гапга кирмай, унинг таклифини рад этганидан кейин, хотин ниятига етиш учун унга томон интилиб қолди. Аслида, бунақа пайтларда эркак киши аёлга интилмасмиди? Ҳолбуки, Юсуф эркаклиги комил инсон эди. Унда ҳам бошқа эркакларда бўлгани каби, майл бор эди. У ҳам аёлга интилиши мумкин эди. Аммо унинг бошқалардан фарқли жойи – Роббининг бурхон(хужжат)ини кўрган эди, ўшандай далилни кўриб туриб ҳам, ҳаром ишга юрганида, ҳақиқий мўмин бўлолмас эди. Агар шу ҳолат бўлмаганида, у ҳам хотинга интилган бўларди.

Буларнинг ҳаммаси Аллоҳнинг инояти ила бўлмоқда.

**«Ундан ёмонлик ва фахшни узоқлаштириш учун шундай қилдик».**

«Биз қилган тадбир туфайли у ёмонлик ва фахш ишлардан, жумладан, ҳожасининг аёли хоҳлаган бузуқликдан ҳам узоқ бўлди. Унга бунчалик ишларни раво кўрганимиз беҳуда эмас:

**«Албатта, у танланган бандаларимиздандир».**

Хотин Юсуфга интилиб, у хотиндан қочиб,

**«Эшик томон чопишди. Хотин унинг кўйлагининг орқа томонидан йиртиб олди. Эшик олдида у(хотин)нинг хўжайинига дуч келишди. У (хотин): «Сенинг аҳлингга ёмонлик истаган-**

**нинг жазоси фақатгина зиндонбанд этилиши ёки аламли азобдир»**, деди».

Хотиннинг нафси шу даражага етган эдики, Юсуфга интилибгина қолмай, уни кувишга тушди. Юсуф ҳам фахш ишга умуман бормаслигининг таъкиди сифатида эшик томон қочди. Хотин қочаётган Юсуфнинг кўйлагидан ушлаб, тортган эди, кўйлакнинг бир парчаси кўлида юлиниб қолди. Шу пайт кутилмаган иш содир бўлди:

**«Эшик олдида у(хотин)нинг хўжайинига дуч келишди».**

Хотиннинг эри келиб қолди. Нима қилиш керак?

Маккор хотин ўзини йўқотмай, дархол хужумга ўтди:

**«Сенинг аҳлингга ёмонлик истаганнинг жазоси фақатгина зиндонбанд этилиши ёки аламли азобдир»**, деди».

Яъни «Юсуф менга – сенинг аҳлингга ёмон ният билан ҳамла этди, бузуқлик қилишни хоҳлади. Энди унинг жазоси ёки қамоқ, ёки аламли азоб бўлиши керак», деди.

Хотиннинг бу бўҳтони қаршисида Юсуф ҳам жим турмади:

**«У: «Унинг ўзи менинг нафсимни хоҳлади», деди. У(хотин)нинг аҳлидан бир**

**гувоҳ гувоҳлик берди ва: «Агар унинг кўйлаги олд томонидан йиртилган бўлса, бас, хотин рост айтибдир, у ёлғончилардандир».**

**Агар унинг кўйлаги орт томонидан йиртилган бўлса, бас, хотин ёлғон гапирибдир, у ростгўйлардандир».**

Юсуф хотиннинг бўҳтонини рад этиб, очикчасига:

**«Унинг ўзи менинг нафсимни хоҳлади»,** деганидан сўнг ким ҳақ эканини аниқлаш заруратга айланди. Бундай ҳолларда бир томоннинг фойдасига, иккинчи томоннинг зарарига ҳукм чиқариб, ҳақни изхор қилиш учун далил керак бўлади. Худди шу ишга хотиннинг аҳлидан бир киши гувоҳлик берди. У гувоҳ ким экани, ёши, қачон келгани, воқеадан қандай хабардор бўлгани айтилмайди. Лекин му-



хими ва кераги айтилади. Афтидан, гувоҳ ақл-заковатли ва тадбиркор ҳамда одил одам бўлса керак, бу ҳодисадаги бирдан-бир ашъвий далилдан жуда ўринли фойдаланган. У ҳам бўлса, Юсуфнинг кўйлагидаги йиртиқдир. Хотин: «Юсуф менга ҳамла қилди», демокда. Юсуф эса: «Йўқ, унинг ўзи менга ҳамла қилди», деб рад этмоқда. Воқеани ҳеч ким кўрмаган. Фақатгина кўйлак йиртилган. Шунга қараб, аниқлаш мумкин.

Мазкур гувоҳ ҳакамликни худди шу бирдан-бир нозик нуқтадан чиқарди.

**«У(хотин)нинг ахлидан бир гувоҳ гувоҳлик берди ва: «Агар унинг кўйлаги олд томонидан йиртилган бўлса, бас, хотин рост айтибдир, у ёлгончилардандир».**

Агар кўйлак олд томонидан йиртилган бўлса, Юсуф ҳамла қилган, хотин эса ҳимояланиш чоғида кўйлакнинг олдидан йиртиб олган бўлади. У ҳолда хотиннинг даъвоси тўғри, Юсуф ёлгончи бўлади.

**«Агар унинг кўйлаги орт томонидан йиртилган бўлса, бас, хотин ёлгон гапирибдир, у ростгўйлардандир», деди».**

Агар кўйлакнинг орқа томони йиртилган бўлса, хотин ҳамла қилган бўлади, у қочаётган Юсуфни тутиш учун ортидан ташланиб, кўйлакни йиртган бўлади. У ҳолда хотин ёлгон гапирган, Юсуф эса ростгўй бўлади. Оқилона гап, одилона ҳукм.

**«Эр унинг кўйлагининг орқа томонидан йиртилганини кўргач, деди: «Албатта, бу сиз – хотинларнинг хийлангиз. Албатта, сиз – хотинларнинг хийлангиз жуда зўр».**

Эр Юсуфнинг кўйлаги орқа томонидан йиртилганини кўргач, ҳамма нарсани тушунди. Лекин бу ишга оддий қаради. Ўзига ўхшаган оқбилақларга ўхшаб, хотинига бир нарса демади. Очиқ-ойдин айбдор бўлиб турган хотинга бир оғиз ҳам гап айтмай, умумий қилиб:

**«Албатта, бу сиз – хотинларнинг хийлангиз. Албатта, сиз – хотинларнинг хийлангиз жуда зўр», деди.**

Худди айбни ҳамма хотинлар қилгандек эди. Худди бу айбни барча хотинлар қиладигандек эди. Шу билан ўзини ўзи алдаган оқбилақ эр ўзига хиёнат қиладиганида устидан чиқиб қолган хотинига ҳам бирор оғиз гап айтишга ярамади.

Бир оз ўтиб, хиёнатчи хотиннинг оқбилақ эри Юсуфга қараб:

**«Эй Юсуф, бу ишни унут. Сен, хотин, гуноҳингга истиғфор айт. Албатта, сен хато қилувчилардан бўлдинг».**

Айшу ишратга берилган табақалар орасида бунақа ҳодисалар тез-тез учраб туради. Шунинг учун ҳам эр бу номуссизликка тузукроқ чора кўришнинг ўрнига, ёпиғлик қозонни ёпиғлигича қолдиришга ҳаракат қилди. Оиласининг айбини очиши мумкин бўлган бирдан-бир шахсга – Юсуфга қарата:

**«Эй Юсуф, бу ишни унут», деди.**

Яъни «Эсингдан чиқариб юбор. Туя кўрдингми, йўқ. Ёпиғлик қозон ёпиғлигича қолаверсин. Ичкарида нима бўлса, бўлаверсин. Ичкаридаги гап ташқарига чикмаслиги керак».

Лекин Аллоҳнинг билиши билан ишлари йўқ.

Асосий айбдорга – хотинга нима жазо? Ўз ахлидан бўлган шохиднинг олдида фахш ишга урингани ашъвий далил билан собит бўлган хотинга эр нима жазо белгилайди? Бунинг жазоси ҳам ўша зодагон табаканинг ўзига хос:

**«Сен, хотин, гуноҳингга истиғфор айт. Албатта, сен хато қилувчилардан бўлдинг», деди.**

«Сен хато қилдинг. Сени ҳар қандай жазога тортса бўлади, майли, гуноҳингга истиғфор айтиб, кечирим сўраб кўйсанг, бўлди. Шу билан иш битади».

Лекин ҳар қанча уринмасинлар, барибир бу гап шаҳар аёллари ўртасида тарқаб кетди. Чунки зебу зийнатга, айшу ишрат, кайфу сафога берилган табақага шундай иш керак, бир гапнинг учини топсалар, бўлди, унга кўшиб-чатиб, оламга дoston қилиб юборадилар.

**«Шаҳардаги аёллар: «Азизнинг хотини хизматкорининг нафсини хоҳлабди. Унга жуда ҳам муҳаббат қўйиб қолган экан-да! Биз у(аёл)ни, албатта, очиқ-ойдин адашувда деб биламиз», дейишди».**

Ушбу оятда биринчи марта «Азиз» деб эрнинг кимлиги, унинг мансаби зикр этилмоқда. Бундан аввал эса у «Юсуфни Мисрда сотиб олган киши», «хотиннинг эри», «хотиннинг хўжайини» каби сифатлар билан васф қилиб келинаётган эди. Азиз – ўша вақтдаги бош вазир. Мисрда подшоҳлар «фиръавн», бош вазир эса «азиз» деб аталган.

Демак, юқорида юз берган машмашалар ҳукмдор табақа ичида бўлаётган экан. Бу доираларда доимо шундай бўлади. Аёлнинг ўзини эмас, кимнинг хотини эканини айтиб туриб айблаш ҳам хотинларнинг қизиқ бир ҳолати. Бузук тоифаларнинг йўсини шу-да, ўзи.

**«Азизнинг хотини хизматкорининг нафсини хоҳлабди».**



Бошқа вақтда зикр қилмасалар ҳам, бунақа ишлардан кейин хотиннинг кимнинг хотини эканини чертиб айтишади. Эҳтимол, шунинг учун ҳам шу воқеагача у одамнинг кимлиги айтилмай келгандир.

**«Унга жуда ҳам мухаббат қўйиб қолган эканда!»**

Юрагидан уриб қолган экан-ку. Уни кўрмаса, ту-ролмас экан.

**«Биз у(аёл)ни, албатта, очиқ-ойдин адашувда деб биламиз», дейишди».**

«Шунчалик улуғ одамнинг хотини ҳам шунақа иш қиладими?! Қаранг-а, қанақа хотин экан! Залолатга кетмаган бўлса, бундай қилмасди. Кўзини ёғ босиб қолган. Тўқликка шўхлик-да».

Азизнинг хотини ҳам анойи эмас.

**«У уларнинг макри ҳақида эшитган вақтда уларга одам юбориб, чақирди. Уларга суяниб ўтирадиган жой тайёрлади. Ва ҳар бирларига пичоқ берди. Сўнгра (Юсуфга): «Уларнинг олдига чиқ!» деди. Уни кўрган чоғларида лол қолдилар, қўлларини кесдилар ва: «Аллоҳ покдир! Бу башар эмас! Бу карамли фариштанing ўзи-ку!» дейишди».**

Шаҳардаги аёлларнинг миш-мишларидан хабардор бўлган Азизнинг хотини уларнинг ҳаммасини меҳмонга чақирди:

**«У уларнинг макри ҳақида эшитган вақтда уларга одам юбориб, чақирди».**

Ўша вақтнинг урфига биноан, суянчиқли ўринларни ҳам тайёрлаб қўйди:

**«Уларга суяниб ўтирадиган жой тайёрлади».**

Ўзи олдиндан тузиб қўйган режа бўйича

**«...ҳар бирларига пичоқ берди».**

Меҳмондорчиликда дастурхондаги ноз-неъматлардан кесиб, еб ўтиришарди.

**«Сўнгра (Юсуфга): «Уларнинг олдига чиқ!» деди».**

Мени маломат қилган оғзи полвон хотинлар сени бир кўриб қўйишсин!

**«Уни кўрган чоғларида лол қолдилар...»**

Юсуф меҳмонларнинг хузурига чикди. Аёллар унинг ҳусну жамолини кўриб, бошлари айланиб, лол қолдилар, ҳайратга тушдилар ва беихтиёр қўлларидидаги пичоқлар ила

**«...қўлларини кесдилар...»**

Бу ҳол уларнинг хушлари бошидан учганлигининг таналаридаги тамғаси, хужжат-далили бўлиб

қолди. Азизнинг хотини беҳудага улардан ҳар бирининг қўлига пичоқ бермаган ва кесиб ейиладиган таомларни тайёрламаган эди. Юсуфнинг ҳусну жамолига маҳлиё бўлиш ўзининг бошидан ўтган, шунинг учун бошқа аёлларнинг холи нима бўлишини ҳам яхши билар эди.

Меҳмон аёллар тамоман ўзларини йўқотдилар. Қўллари кесилганини ҳам сезмасдан, ҳайрат ва ҳаяжонларини яшира олмай, беихтиёр:

**«Аллоҳ покдир! Бу башар эмас! Бу карамли фариштанing ўзи-ку!» дейишди».**

Ана шунда Азизнинг хотини уларнинг бу холини, Юсуфнинг ҳусну жамоли олдида таажжуб ва ҳайрат ила лол бўлганларини кўриб, ўзини ғолиб сезди. Энди у ўзини маломат қилган аёллар устидан кула бошлади.

**«У: «Сиз мени маломат қилган нарса мана шу. Дарҳақиқат, мен ундан нафсини хоҳладим, бироқ у ўзини сақлади. Агар амримни бажармаса, албатта, зиндонбанд этилур ва хор бўлувчилардан бўлур», деди».**

Мазкур масалада бошқани маломат қилиб турган аёллар ундан ҳам баттар аҳволга тушиб, ҳаяжонларини яшира олмай қолганидан кейин Азизнинг хотини сипо гапни йиғиштириб, пардасиз, беҳаё гапга ўтди:

**«Сиз мени маломат қилган нарса мана шу».**

«Азизнинг хотини хизматкорининг нафсини хоҳлабди», демаганмидингиз? Хизматкорим шу йигит. Ҳа, қани айтинг-чи, ўзингизга нима бўлди? Нимага қўлингизни кесиб олдингиз? Нимага буни башар эмас, малак, демокдасиз? Қандай бўлар экан? Гапириш жуда осон.

**«Дарҳақиқат, мен ундан нафсини хоҳладим, бироқ у ўзини сақлади».**

Энди вазирнинг хотини фаҳш ишни хоҳлаганини ҳам яширмай қўйди. Юсуфнинг поклигини ҳам тан олди. Аёл фахрлана бошлади. Мисрнинг казо-казо аёллари ошику беқарор бўлиб қолган йигит унинг хизматкори эди. Унинг қўли остида эди. Унинг айтганини қилар эди. Аёллар олдида фахр билан:

**«Агар амримни бажармаса, албатта, зиндонбанд этилур ва хор бўлувчилардан бўлур», деди».**

Яъни «Мен айтган фаҳш ишни қилмаса, уни қаматаман ва хор у зор қиламан», деди.

*«Тафсири Ҳилол» дан олинди.  
Юсуф сураси, 21-32 оятлар.*

## СИНГИЛЛАР ВА КАЛОЛА МЕРОСИ ҲАҚИДА

قَالَ اللهُ تَعَالَى: وَإِنْ كَانَتْ رَجُلٌ يُورِثُ كَلَلَةً أَوْ امْرَأَةً  
وَلَهُ أُمَّحٌ أَوْ أُخْتُ فَلِكُلِّ وَوَحِدٍ مِّنْهُمَا أَلْسُدُسٌ فَإِنْ كَانُوا  
أَكْثَرَ مِنْ ذَلِكَ فَهُمْ شُرَكَاءُ فِي الثُّلُثِ

қолдирган эркак ёки аёлнинг қарзи ва васияти адо этилганидан кейин мерос тақсимланади. Васият эса зарар қилмайдиган бўлиши керак. Бу мерос бобидаги ҳамма васиятларга тегишлидир.

Аллоҳ таоло:

«...Агар бир эркак ёки аёл калола ҳолида мерос қолдирса, унинг биродари ёки синглиси бўлса, улардан ҳар бирига олтидан бир. Агар улар бундан кўп бўлсалар, учдан бирига шерикдирлар...» деган (*Нисо сураси, 12-оят*).

Бу ерда она бир қариндошлар кўзда тутилган бўлиб, «биродар» сўзи ака-ука, «сингил» эса «опа-сингил» маъносини ифода этади.

Шунингдек, «калола» сўзини ҳам бир оз шарҳлашга тўғри келади. Бу ҳақда уламоларимиз ҳам анчагина баҳс юритганлар. Бизнинг тилимизда «калола» сўзини айнан ифода этадиган ибора йўқ. Шунингдек, араб тилида ҳам бу сўзнинг бошқа муродифи (синоними) йўқ.

Ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ розияллоху анҳудан одамлар калола ҳақида сўраганларида:

«У ҳақда ўз фикримни айтаман. Тўғри бўлса, Аллоҳдан, хато бўлса, мендан ва шайтондан, яъни Аллоҳнинг ва Унинг Расулининг бунга алоқалари йўқ. Калола зурриёти ва аждоди йўқ одамдир», дедилар.

Яъни ўлган пайтида орқасидан бола-чақаси, набира-чеваралари ҳам, ота-она, бобо-момолари ҳам қолмаган одам калола ҳолида ўлган ҳисобланади.

Демак, оятнинг ҳукмига кўра, «калола» ҳолида вафот этган одамнинг ортидан она бир ака-ука ёки она бир опа-сингил қолса, улар ёлғиз бўлса, мероснинг олтидан бирини олади. Агар она бир ака-ука ва опа-сингиллар иккита ва ундан кўп бўлсалар, улар мероснинг учдан бирида шерик бўладилар. Ушбу ҳолатда эркак-аёл тенг насиба оладилар. Бунда ҳам ўша калола ҳолида мерос



- عَنْ جَابِرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: دَخَلَ عَلَيَّ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ وَأَنَا مَرِيضٌ لَا أَعْقِلُ فَنَوَّضًا فَصَبُّوا عَلَيَّ مِنْ وَضْؤِهِ فَعَقَلْتُ فَقُلْتُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ إِنَّمَا يَرِثُنِي كَلَالَةٌ فَنَزَلَتْ بِسِتْفَتُونَكَ قُلِ اللَّهُ يُفْتِيكُمْ فِي الْكَلَالَةِ. رَوَاهُ الْأَرْبَعَةُ.

*Жобир розияллоху анхудан ривоят қилинади:*

«Мен бемор бўлиб ўзимни билмай ётганимда Расулulloх (соллаллоху алайҳи васаллам) устимга кирдилар. Бас, таҳорат қилдилар. У зотнинг таҳорат сувларидан устимдан куйишди ва мен хушимга келдим-да:

«Эй Аллоҳнинг Расули, мендан фақат калола мерос олади, холос», дедим. Шунда: «Сендан фатво сўрайдилар. «Аллоҳ сизга калола ҳақида фатво беради», деб айт», ояти нозил бўлди».

*Тўртовлари ривоят қилишган.*

Ушбу ривоят аввал ҳам бошқа иборалар билан келган эди. Унда Жобир розияллоху анхунинг «Эй Аллоҳнинг Расули, молимни қандай қиламан?» деганлари ва Аллоҳ таоло мерос оятини нозил қилганлиги ҳақида сўз кетган эди.

Бу ривоят эса ана шу олдинги ривоятнинг узвий давомидир. Кейин Жобир розияллоху анху ўзларидан қоладиган меросни фарзандлар ёки ота-она эмас, балки фақат калолалар олишини айтганлар ва бундай ҳолда мерос қандай бўлишини сўраганлар. Бошқа ривоятлардан аниқланишича, у кишининг ортларида еттига ёки тўққизга сингил қолган экан. Жобир розияллоху анхунинг мана шу саволлари калола оятининг нозил этилишига сабаб бўлган.

- قَالَ عُمَرُ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: مَا رَأَيْتُ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ فِي شَيْءٍ مِثْلَ الْكَلَالَةِ وَمَا أَغْلَظَ لِي فِي شَيْءٍ مَا أَغْلَظَ لِي فِيهِ حَتَّى طَعَنَ بِإِصْبَعِهِ فِي صَدْرِي وَقَالَ: يَا عُمَرُ أَلَا تَكْفِيكَ آيَةُ الصَّيْفِ الَّتِي فِي النَّسَاءِ. رَوَاهُ مُسْلِمٌ.

«Умар розияллоху анху: «Расулulloх соллаллоху алайҳи васалламга ҳеч нарсада калола ҳақида мурожаат қилганимдек мурожаат қилмаганман. У зот ҳам менга бу нарсада дағаллик қилганларидек ҳеч дағаллик қилганлари йўқ. Ҳатто бармоқлари билан кўксимга туртиб:

«Эй Умар! Сенга «Нисо»даги «ёз ояти» кифоя қилмайдими?» деганлар», деди».

*Муслим ривоят қилган.*

Аввал айтиб ўтилганидек, кўпгина бахсларга сабаб бўлган бу масалани яхшироқ тушуниб олиш мақсадида Ҳазрати Умар билан бўлиб ўтган воқеани кўриб чиқамиз. Ҳазрати Умар розияллоху анху бу масалани Расулulloх соллаллоху алайҳи васалламдан қайта-қайта сўрайвериб, у зотни ўзларига нисбатан шундай муомала қилишга мажбур этган эканлар. Албатта, бу ердаги дағаллик сўзи ҳозирги кун тушунчасидаги дағаллик эмас.

Жобир розияллоху анху савол берганларида ва калола ҳақида оят нозил бўлганида ёз фасли экан, шунинг учун бу оят «ёз ояти» деб номланиб қолган.

Биз ушбу фаслнинг бошида ўрганган калола ҳақидаги бошқа оят киш фаслида нозил бўлиб, у «киш ояти» деб номланган.

- وَجَاءَ رَجُلٌ إِلَى النَّبِيِّ ﷺ فَقَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ يَسْتَفْتُونَكَ فِي الْكَلَالَةِ فَمَا الْكَلَالَةُ قَالَ: تُجْزِيكَ آيَةُ الصَّيْفِ فَقُلْتُ لِأَبِي إِسْحَاقَ: هُوَ مَنْ مَاتَ وَلَمْ يَدَعْ وُلْدًا وَلَا وَالِدًا قَالَ: كَذَلِكَ ظَنُّوا. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ.

*Бир одам Расулulloх соллаллоху алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб:*

«Эй Аллоҳнинг Расули, сиздан калола ҳақида фатво сўрашлар. Калола нимадир?» деди.

«Ёз ояти сен учун етарли», дедилар у зот.

Мен Абу Исҳоққа:

«У – ўзи ўлиб, бола ҳам, ота-она ҳам қолдирмаган-да!» дедим.

«Шундай деб билишарди», деди.

*Абу Довуд ривоят қилган.*

Жумҳур уламолари ҳам калолани худди шу ривоятда тушунтирилгандек англаганлар.

Энди ўша машҳур калола ва «ёз ояти»ни ўрганайлик:

قَالَ اللَّهُ تَعَالَى: يَسْتَفْتُونَكَ قُلِ اللَّهُ يُفْتِيكُمْ فِي الْكَلَالَةِ إِنَّ أَمْثُلًا هَٰؤُلَاءِ لَيْسَ لَهُمْ وُلْدٌ وَلَا أُولَاءُ لَهُمْ وُلْدٌ فَهِيَ الصَّيْفُ مَا تَرَكَ وَهُوَ يَرِثُهَا إِنْ لَمْ يَكُنْ لَهَا وُلْدٌ فَإِنَّ كَانَتْ أُمَّتَيْنِ فَلَهُمَا الثُّلُثَانِ مِمَّا تَرَكَ وَإِنْ كَانُوا



إِخْوَةٌ رَجَا لَا وَنِسَاءً فَلِلذَكَرِ مِثْلُ حَظِّ الْأُنثَيْنِ يُبَيِّنُ اللَّهُ لَكُمْ أَن تَضِلُّوا وَاللَّهُ بِكُلِّ شَيْءٍ عَلِيمٌ ﴿١٧٦﴾

Аллоҳ таоло:

«Сендан фатво сўрарлар. Айтгинки: «Аллоҳ сизга калола ҳақида фатво берур: Агар бир одам ўлса-ю, унинг боласи бўлмаса, синглиси бўлса, унга мархумдан қолганнинг ярмидир. У ҳам агар у(сингил)нинг боласи бўлмаса, унга (тўлиқ) меросхўр бўлур. Агар (сингил) иккита бўлса, уларга мархум қолдирган нарсанинг учдан иккисидир. Борди-ю (меросхўрлар) эркак-аёл биродарлар бўлсалар, бир эркакка икки аёл улушичадир. Адашмаслигингиз учун Аллоҳ баён қилмоқда. Ва Аллоҳ ҳар бир нарсани ўта билувчидир» деган (Нисо сураси, 176-оят).

Ушбу оятда калола ҳолда ўлган, яъни ўлган пайтида ортидан бола-чақаси, набира-чевараси ҳам, ота-онаси, бобо-момоси ҳам қолмаган, фақат ака-укаси, опа-синглиси қолган одамнинг меросини бўлишнинг бир неча кўринишлари баён қилинмоқда:

1. Бир одам вафот этди. Боласи йўқ. Ортидан битта опаси ёки синглиси қолди. Ана ўша қолган ёлғиз қиз қариндоши маййитнинг меросидан ярмини олади.

2. Бир аёл калола ҳолида вафот этди. Унинг ортидан битта ака ёки ука қолди. Ўша ёлғиз эркак қариндош ўлган аёлнинг ҳамма меросини олади.

3. Бир эркак калола ҳолида вафот этди. Ортидан иккита синглиси қолди. Ўша икки сингил унинг меросининг учдан иккисини бўлиб оладилар.

4. Бир эркак ёки аёл калола ҳолида вафот этди. Ортидан ўғил-қиз аралаш ака-ука, опа-сингиллари қолдилар. Улар қолган меросни «бир эркакка икки аёл насибаси» қоидаси асосида бўлиб оладилар.

- عَنْ عَلِيٍّ ؓ قَالَ: إِنَّكُمْ تَقْرَأُونَ هَذِهِ الْآيَةَ مِنْ بَعْدِ وَصِيَّةِ نَوْسُونَ بِهَا أَوْ دَيْنٍ وَإِنَّ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ قَضَى بِالذَّيْنِ

قَبْلَ الْوَصِيَّةِ وَإِنَّ أَعْيَانَ بَنِي الْأُمِّ يَتَوَارَثُونَ دُونَ بَنِي الْعَلَاتِ الرَّجُلُ يَرِثُ أَخَاهُ لِأَبِيهِ وَأُمَّهُ دُونَ أَخِيهِ لِأَبِيهِ. رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَأَحْمَدُ وَالْحَاكِمُ.

Али розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Албатта, сизлар ушбу «Сиз қилган васият ёки қарз (адо этилган)дан сўнг» оятини қироат қилурсизлар. Албатта, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қарзни васиятдан олдин адо этиш ҳақида ҳукм қилганлар. Албатта, кундошларнинг ўғлидан аввал ота бир, она бир ўғиллар бир-бирларидан мерос олурлар. Бир киши ота бир биродаридан аввал ота бир, она бир биродаридан мерос олур», дедилар».

Термизий, Аҳмад ва Ҳоким ривоят қилишган. Аллоҳ олий ва билгувчироқдир.

Ҳазрати Алининг бу ривоятларининг ярмини, яъни оятда васият лафзи олдин келса ҳам, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам аввал қарзни адо этишга ҳукм қилганликлари маъносини олдин ўрганган эдик. Нима учун олдин қарз адо этилиши кераклиги ўшанда батафсил баён этилган. Шунингдек, нима учун ояти қари-мада олдин васият зикр қилинганлиги ҳам айтиб ўтилган.

Бу ривоятнинг иккинчи қисмида меросдаги ҳажб, яъни меросхўрларнинг бир-бирларини меросдан тўсишлари ҳақида сўз кетмоқда. Бунга туғишган ака-укалар ва ота бир ака-укалар мисол келтирилмоқда.

Бир киши вафот этиб, ортидан ота бир, она бир биродарлари ва ота бир, она бошқа биродарлари қолса, ота бир, она бирлари мерос оладилар ва ота бир, она бошқаларини меросдан тўсадилар, улар ота ва она бир ака-укалар бор жойда мерос ололмайдилар.

Меросдаги энг муҳим масалалардан бири ҳажб – тўсиш масаласидир.

Ривоятда биргина мисол келгани билан мерос илми уламолари бу масалани атрофлича ўрганганлар.

«Ҳадис ва Ҳаёт» китобидан

# АВРАТ МАСАЛАСИ

«Эркак кишининг аврати киндиги остидан то икки тиззасининг остигачадир».

Бу ҳукмнинг далили куйидагилар:

رَوَى الدَّارَقُطْنِيُّ مِنْ حَدِيثِ أَبِي أَيُّوبَ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: مَا فَوْقَ الرُّكْبَتَيْنِ مِنَ الْعَوْرَةِ، وَمَا أَسْفَلَ مِنَ السُّرَّةِ مِنَ الْعَوْرَةِ.

Имом Дора Кутний Абу Айюб розияллоху анхудан қилган ривоятда Расулуллох соллаллоху алайҳи васаллам: **«Икки тиззадан юқори нарса авратдандир. Киндикдан пастдаги нарса авратдандир»**, деганлар.

رَوَى الدَّارَقُطْنِيُّ عَنْ عَمْرِو بْنِ شُعَيْبٍ، عَنْ أَبِيهِ، عَنْ جَدِّهِ، قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: مُرُوا صِبْيَانَكُمْ بِالصَّلَاةِ فِي سَبْعِ سِنِينَ، وَاضْرِبُوهُمْ عَلَيْهَا فِي عَشْرِ سِنِينَ، وَفَرِّقُوا بَيْنَهُمْ فِي الْمَضَاجِعِ، وَإِذَا زَوَّجَ أَحَدُكُمْ أُمَّتَهُ عَبْدَهُ أَوْ أُجِيرَهُ، فَلَا يَنْظُرُ مَا دُونَ السُّرَّةِ وَفَوْقَ الرُّكْبَةِ، فَإِنَّ مَا تَحْتَ السُّرَّةِ إِلَى الرُّكْبَةِ مِنَ الْعَوْرَةِ.

Имом Дора Кутний Амр ибн Шуъайбдан, у киши отасидан, у киши бобоси розияллоху анхумдан қилган ривоятда Расулуллох соллаллоху алайҳи васаллам: **«Ёш болаларингизни етти ёшликларидан намоз ўқишга амр қилинг. Ўн ёшга етганларидан унинг учун уринглар ва ётар жойларини алоҳида**

**қилинглар. Қачон бирингиз ўз чўрисини қулига ёки мардикорига никоҳлаб берса, унинг киндигидан пастига ва тиззасидан юқорисига назар солмасин. Чунки киндикдан пастига ва тиззадан юқориси авратдандир»**, деганлар.

**«Чўриники ўша билан бирга елка тарафи ва қорни ҳамдир».**

Баъзи уламолар: «Икки биқини ҳам аврат», деганлар. Бу ўша қул ва чўрилар бор вақтнинг тақозоси ила бўлган. У пайтларда чўриларнинг ҳоли бошқача бўлган.

**«Хур аёлнинг жамики бадани авратдир. Юз, икки қўл(нинг билагидан пастига) ва оёқ(нинг тўпиғидан пастига) бундан мустасно.**

Бу ҳукмнинг далиллари:

Аллох таоло Нур сурасида:

وَقُلْ لِلْمُؤْمِنَاتِ يَغْضُضْنَ مِنْ أَبْصَرِهِنَّ وَيَحْفَظْنَ فُرُوجَهُنَّ وَلَا يُبْدِينَ زِينَتَهُنَّ إِلَّا مَا ظَهَرَ مِنْهَا وَلْيَضْرِبْنَ بِخُمُرِهِنَّ عَلَى جُيُوبِهِنَّ

**«Мўминаларга айт: «Кўзларини тийсинлар, фаржларини сақласинлар ва зийнатларини кўрсатмасинлар, зоҳир бўлгани мустасно. Рўмолларини кўксларига тўсиб юрсинлар»**, деган (31-оят).

«Зоҳир бўлгани» деганда юз, икки қадам ва икки кафт англанади. Бу ҳукм намоз пайти учундир. Намоздан ташқарида икки қадам ҳам авратдир.

«Рўмолларини кўксларига тўсиб юрсинлар».

Яъни бошларига ўраган рўмоллари фақат сочларини эмас, балки томоқлари, кўкслари ва кўкракларини ҳам тўсиб турсин.

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا أَنَّ أَسْمَاءَ بِنْتَ أَبِي بَكْرٍ دَخَلَتْ عَلَى رَسُولِ اللَّهِ ﷺ وَعَلَيْهَا ثِيَابٌ رِقَاقٌ فَأَعْرَضَ عَنْهَا رَسُولُ اللَّهِ ﷺ وَقَالَ: يَا أَسْمَاءُ إِنَّ الْمَرْأَةَ إِذَا بَلَغَتِ الْمَحِيضَ لَمْ تَصْلُحْ أَنْ يُرَى مِنْهَا إِلَّا هَذَا وَهَذَا وَأَشَارَ إِلَى وَجْهِهِ وَكَفْفَيْهِ. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ.

*Оиша розияллоху анҳодан ривоят қилинади:*

**«Расулulloх соллalloху алайҳи васалламнинг хузурларига Асмо бинти Абу Бакр юпқа кийимда кирди. Расулulloх соллalloху алайҳи васаллам ундан юзларини ўгириб олдилар ва: «Эй Асмо, аёл киши ҳайз кўрадиган бўлганидан кейин ундан мана бу ва мана бундан бошқа жойи кўринмаслиги керак», деб икки кафтлари ва юзларига ишора қилдилар»** (Абу Довуд ривоят қилган).

Ибн Жарир Табарий раҳматуллоҳи алайҳи ўз «Тафсир»ларида Оиша онамиз розияллоху анҳодан келтирган ривоятда қуйидагилар айтилади:

«Олдимга она бир акам Абдуллох ибн Туфайлнинг кизи зийнатланган ҳолда кирган эди, Расулulloх соллalloху алайҳи васаллам келиб қолдилар ва юзларини ўгирдилар. Мен:

«Эй Аллоҳнинг Расули, бу она бир акамнинг кизи. У ёш қизча», дедим. Ул зот соллalloху алайҳи васаллам:

**«Аёл киши балоғатга етганидан кейин унинг юзи ва мана бу жойларидан бошқа жойи кўриши ҳалол эмас»,** деб ўз билакларини тутамлаб кўрсатдилар. Ушлаган жойлари билан кафтлари орасида яна бир тутамча жой қолди».

Демак, мазкур аврат жойларни намозда тўсиш фарздир. «Баъзи аъзолар очилиб қолса нима бўлади?» ва шунга ўхшаш саволларга кейинги жумлаларда жавоб келади.

**«Бир аъзонинг тўртдан бир қисми очилиши намозни ман қилади».**

Агар унутиб очилган бўлса, бу очик туриши бир рукннинг адо этилишича вақт давом этса ва аъзонинг чорагидан ози очилса, намоз ботил бўлмайди. Агар мазкур микдорни намозхон билиб туриб очса, намози дарҳол бузилади.

«Болдирнинг ўзи бир аъзодир».

Унинг тўртдан бири очилиб қолса ва юкорида зикр қилинган муддатгача ёпилмаса, намоз ботил бўлади.

**«Сон, закарнинг ёлғиз ўзи ва икки турмуқ ҳам. Осилиб тушган соч ҳам».**

Буларда ҳам олдинги зикр қилинган ҳукм собит бўлади.

«Авратни тўсиш» деганда шариат талабига биноан тўсиш кўзда тутилган.

Авратни тўсадиган нарсага қуйидаги шартлар қўйилган:

1. Кийим баданнинг рангини билинтирмайдиган даражада қалин бўлиши лозим.

2. Кийим баданнинг ҳамма тарафини тўсиши лозим. Бирор тарафи очилиб қолса ҳам бўлмайди.

Кийим танқис бўлганда аввал ғализ авратни, кейин бошқаларини тўсиш керак бўлади. Агар фақат битта авратни тўсадиган нарса бўлса, у билан орқани тўсиб, олдини қўл билан тўсилади.

Бошқа кийим бўлмаган ҳолатда ҳаром кийим ила, мисол учун, эркак киши ипак кийимда намоз ўқиса, намоз таҳримий кароҳат билан бўлади.

**«Нажасни кетказадиган нарсаси бўлмаган одам нажас теккан кийим билан намоз ўқийверади. Кейин қайта ўқимайди».**

Бунга зарурат юзасидангина рухсат берилади.

**«Кийимнинг тўртдан бири пок бўлган кишининг яланғоч ҳолда намоз ўқиши жоиз эмас».**

Чунки бу ҳолда «тўртдан бир» зарурат юзасидан «тўлиқ»нинг ўрнига ўтади.

**«Ундан ози пок бўлган кийимда ўқиш афзал».**

Яъни кийимнинг тўртдан биридан ози пок бўлган ҳолатда намозни яланғоч ўқигандан кўра ўша кийимда намоз ўқиган афзал.

**«Кийими йўқнинг тик туриб намоз ўқиши жоиз. Ўтириб, имо билан ўқиши мандубдир».**

Авратини тўсишга ҳеч нарса топа олмаган одам ҳеч бўлмаганда лой билан бўлса ҳам уни тўсади ва ўтириб, имо билан намоз ўқийди.

*«Кифоя» китобидан.*



## ТАЪЗИЯ БИЛДИРИШ ВА МУСИБАТЗАДАЛАРГА ТАСАЛЛИ БЕРИШ

Бирор киши вафот этса, маййит эгаларига таъзия билдирилади ва сўз ҳамда феъл билан тасаллийнинг тадорикини қилиш ҳам савобли ишдир. Ҳазрати Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоху анхудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ саллоллоху алайҳи васаллам дедилар:

«من عزی مصابا فله مثل أجره»

«Кимики бирор мусибатзадага тасаллий берса, унга мусибатзаданинг ажрининг ўхшаши етади».

Маълум бўлишича, баъзи инсонлар таъзиянинг мақсадини «ғамни изҳор қилиш» деб тушунадилар. Шунинг учун маййит эгаларига тасаллий бериш ўрнига, аксинча уларга қайғуни эслатиб, ғамнинг зиёдалашишига сабаб бў-

ладилар. Ҳақиқатда «таъзия»нинг маъноси «тасаллий» беришдир. Ғамгин шахсга далда бўладиган йўлни танлаш «таъзия»га киради. Таъзиядан ғамгин шахс қалбан тузалиб, машаққати енгиллашади. Тасаллийнинг савоби бирор кишининг вафот этиши билан боғлиқ эмас. Балки, юқоридаги хадисда ҳар бир мусибатзадага тасаллий берган кишига ўша (маййит эгасининг сабрига берилган ажр)дай ажр бўлади дейилган. Шу боис бирор шахсга машаққат ёки безовталиқ етса, унга тасаллий бериш ёки тасаллий беришга тайёрланишга ҳам машаққат ёки безовталиқ етган кишига бўладиган ажру савоб берилади.

*Гулшода Мўминова тайёрлади.*



## САВОЛ-ЖАВОБ

## Қўлга хна билан гул чизиш

**САВОЛ:** Ҳанафий мазҳабида хна билан қўлга гул (накш) чизса бўладими?

**ЖАВОБ:** Бўлади.

## Аёллар тиловатини тинглаш

**САВОЛ:** Аёллар Қуръон тиловат қилиб, номаҳрам эркакларга эшиттиришлари мумкинми?

**ЖАВОБ:** Мумкин.

## Аёлнинг маҳрамсиз сафар қилиши

**САВОЛ:** Бир аёл бошқа давлатда яшайдиган ота-онасини кўргани боришни истади. Борай деса, эри «Талоқ қиламан», дейди, бормай деса, ота-онаси чақиришяпти ва уларни жуда соғинган. Бундай ҳолатда у нима қилиши керак? Маҳрамсиз сафар қилса бўладими? Илтимос, бирон маслаҳат беринг.

**ЖАВОБ:** Эрга тушунтириш керак. Аёлини олиб, ўзи ҳам борсин.

## Шаҳидлик мақомини сўраш

**САВОЛ:** Бир дўстимнинг хотини ҳомиладор. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ҳомиладор аёл тўлғоқ вақтида вафот этса, шаҳид ҳукмида бўлади», деган эканлар. Шунинг учун у ҳам ана шу мақомни топиш учун Аллоҳ таолодан шуни нарсани сўраса нотўғри бўлмайдами?

**ЖАВОБ:** Ўлимни сўраш мутлақо мумкин эмас. Ундан кўра яхшиликни тиласин!

## Сочнинг баъзи сифатларини ўзгартириш

**САВОЛ:** Ҳанафий мазҳаби бўйича табиий силлиқ сочи аёллар пардоз мақсадида сочини сунъий равишда жингалак қилиши ёки аксинча, сочи табиий жингалак бўлса, сунъий равишда силлиқ қилиши мумкинми?

**ЖАВОБ:** Мазкур ишларнинг соғлиққа зарар бўлмаса ва эри рухсат берган бўлса, жоиз.

## Тул аёлнинг турмуш қурмаслиги

**САВОЛ:** Бир танишим икки марта турмуш қурган. Икки ўғли бор. Ҳозир бева. Нега турмушга чиқмаслигини сўрасам, «Эрларнинг сонини кўпайтириб нима қиламан. Нафсим буни хоҳламаса, эркаклар ўртасида фитна чиқармасам, ношаръий иш қилмасам, турмушга чиқмасам ҳам бўлади», деди. Агар аёл шариатга мувофиқ юрса, нафсини тийса, турмушга чиқмаса ҳам бўладими?

**ЖАВОБ:** Яхши ҳисобланмаган ишни қилган бўлади. Агар турмуш қуриши (бўлажак) турмуш ўртоғига зарар етказадиган бўлса, чиқмаса ҳам бўлади.

*«Зикр аҳлидан сўранг»  
веб-саҳифасидан олинди.*





Мория розияллоху анҳо нубувват хонадонидан узоқда бўлмаган шаҳардаги ўзига хос бир жойда яшаганлар. Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг жорияларидан бирортаси «мўминларнинг онаси» деб аталмаганлар. Лекин улар бошқаларда йўқ бахтга, Расулulloх соллаллоху алайҳи васалламнинг ўғиллари Иброҳимнинг оналари бўлиш бахтига эга бўлганлар. Шунингдек улар саҳобиялардан бири бўлганлар.

Мория розияллоху анҳо Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг ҳаётларига қандай кириб келганлар?

Мисрнинг қуйи қисмидаги кишлокда, Ҳафн деган жойнинг Ансина вилоятдан бўлган Мория Шамъун кизи, оталари қибтий, оналари эса румлик масиҳия бўлганлар.

У зот опалари билан бирга Искандария подшоси буюк Муқавқиснинг қасрида жория бўлганлар.

Ўша пайтларда араб жазирасидан чиққан, янги самовий динга даъват қилаётган Набий ҳақида қасрда эшитганлар. Муқавқис хузурига Ҳотиб ибн Абу Балтаъа розияллоху анху Пайғамбар саллоллоху алайҳи васалламнинг номларидан элчи бўлиб келдилар. Муқавқис У зотнинг мактубларини ҳурмат билан эъзозлаб қабул қилди, Набий саллоллоху алайҳи васалламга совғалар, ҳадялар билан бирга иккита жорияни ҳам қўшиб берди. Элчи Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг олдиларига совғалар ва икки жория: Мория, унинг опаси Сири ва Хосо деган қул билан бирга Мадинага борди.

Опа-сингил ватанларидан узоқлашганларида даҳшатга тушдилар. Лекни уларга кўрсатилаётган илтифотдан хайратга тушишди. Хатиб бу ёш қизлар сафардан кўрқаётганликларини сезиб, уларга Мадина ҳақида, Набий соллаллоху алайҳи васаллам, саҳобалар ҳақида сўзлаб бердилар. Йўлда Ибн Саъдни учратишди, у Мория ва опасига исломни арз қилди. Мория ва опаси исломни қабул қилишди.

Еттинчи ҳижрий санада Набий соллаллоху алайҳи васаллам Худайбия сулҳидан қайтиб келганларида у Зотга Муқавқиснинг мактубини ва Мисрдан келган ҳадялар ҳамда жорияларни топширдилар. Набий соллаллоху алайҳи васаллам Морияни ўзларига, опаси Сирини Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг шоирлари Хассон ибн Собитга ҳадя қилдилар.

Мория ширингина, сочлари жингалак, кўриниши ёқимли мисрлик қизча эдилар. Нил еридан Набий соллаллоху алайҳи васалламга ҳадя бўлиб келган қиз, Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг даврларида ўсиб, улғайиб бордилар. Мория Ҳорис ибн Нўъмон Ансорийнинг уйига тушдилар.

Мория Набий соллаллоху алайҳи васаллам билан яшаётганларига икки йил бўлганида, тўсатдан ҳомилалари борлигини ҳис қилиб қолдилар. Лекин адашган

эканлар. Шундан кейин икки ой ўтиб, шубҳалари ростга айланди. Бу ҳақда Расулulloх соллаллоху алайҳи васалламга айтганларида у Зот хурсанд бўлдилар, холиқларига бу хушxabар учун ҳамд айтдилар.

Ҳижрий саккизинчи Зулҳижжа ойининг тунида Набий соллаллоху алайҳи васаллам Абу Рофеънинг аёли Саламани чақиртирдилар. У Морияга доялик қилди. Салама Набий соллаллоху алайҳи васалламга хушxabар билан чиққанида, уни барча яхшиликлар билан икром қилдилар. Ва янги туғилган чақалоқни қўлларига олиб, Набийларнинг бобосининг исми билан Иброҳим деб номладилар. Чақалоқнинг сочи миқдорича кумуш садақа қилдилар. Мория Набий соллаллоху алайҳи васалламни мўминларнинг онаси Хадича розияллоху анҳо хурсанд қилганларидек, Набийларнинг саййидини хурсанд қилдилар.

Лекин бу хурсандчилик узоққа чўзилмади. Икки йил ўтар ўтмас, Иброҳим касал булиб қолди. Мория опаси билан уни парвариш қилишди, лекин қазои қадар экан, Иброҳимнинг ҳаёти тугади. Набий алайҳиссалом хабарни эшитиб, каттиқ қайғуга тушдилар. Уни қўлларига олиб, «Иброҳимга Аллоҳдан фойдасиз ҳеч нарса бўлмайди», дедилар ва кўзларидан ёш оқди.

Иброҳим ўнинчи ҳижрий санада Робиъул аввалнинг ўнинчи куни вафот этди.

Набий соллаллоху алайҳи васаллам Иброҳимнинг ҳақиқига дуо қилиб, Морияга шундай дедилар: «Албатта Иброҳим менинг ўғлим, у эмизикли чоғида ўлди, уни эмизишни жаннатда тугаллайсан».

Мория розияллоху анху уйларига чиройли сабр билан эътикоф ўтирдилар. Ҳаттоки қалбларидаги жароҳатларини Набий соллаллоху алайҳи васалламга ҳам очмадилар. Эътикофлари тугаганидан кейин Бакий қабристонига чиқиб, фарзандларининг қабрини олдида ўтириб дуолар қилиб йиғладилар.

Иброҳимнинг вафотидан кейин Набий соллаллоху алайҳи васаллам ҳам кўп яшамадилар. Ўша йили набийларнинг саййиди ўз роббилари хузурига рихлат қилдилар.

Мория Набий соллаллоху алайҳи васалламдан кейин беш йил одамлардан узлатда яшадилар. Опалари Сиридан бошқа ҳеч ким билан кўришмадилар, хужраларидан ташқарига чиқмадилар. Фақатгина ҳабибларининг масжидини ва фарзандларининг қабрини зиёрат қилдилар.

Мория ўн олтинчи ҳижрий санада вафот этдилар. У зотни мўминларнинг амири Умар розияллоху анху жанозаларини ўқиб, Бакий қабристонига дафн қилдилар.

*Доктор Оиша Абдуллоҳман бинти Шатийнинг «Нубувват хонадони хонимлари» китобидан Назокат таржимаси*

## МОРИЯ РОЗИЯЛЛОХУ АНХО





## ТАРБИЯДА БЕЪЪТИБОР БЎЛМАЙЛИК!

Оила ота, она ва фарзанддан иборат учта тиргакка курилади. Фарзанд Аллоҳнинг неъматидир. Фарзанд оиланинг бахти, саодати ва наслнинг давомчисидир. Ҳар бир инсон фарзандли бўлар экан, бу неъматни ато этган Аллоҳга беҳисоб ва ададсиз шукроналар айтади. Ота-она бўлиш ҳар бир инсонга қанчалик бахтиёрлик олиб келса, шунчалик масъулиятни ҳам юклайди.

Чунки фарзандни одобли, яхши ахлокли, илмли, ҳунарли, инсонларнинг ва жамиятнинг бирор қорига ярайдиган қилиб тарбиялаш ота-онадан улкан меҳнат ва машаққатни талаб этади.

Жобир ибн Самура розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «Киши учун ўз боласига одоб бермоғи унинг бир соъ садақа қилганидан яхшироқдир», дедилар».

Садақа динимиздаги улуг ва савобли амаллардандир. Демак, фарзандга одобни ўргатиш садақа қилган билан баробар экан.

Айюб ибн Мусо розияллоху анҳудан, у киши отасидан, у киши бобосидан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «Ота-она ўз боласига гўзал одобдан афзал нарса бера олмайди», дедилар».

Қадимда бир киши фарзандли бўлгандан сўнг, бир олимнинг олдига бориб, боласига қандай тарбия бериш хусусида маслаҳатлашибди. Олим: «Фарзандингиз қачон туғилди?» деб сўрабди. У киши эса фарзанди уч ойлик бўлганини айтибди. Шунда олим: «Уч ойга кеч қолибсиз», деган экан.

Ҳозирги замон олимлари эса боланинг тарбиясини хомила вақтидаёқ бошлаш кераклигини уқтирадилар.

Демак, болага одоб бериш ёки уни тарбиялашни ҳеч ҳам кичик санаб бўлмайди. Ҳар қандай ишни эртага ёки индинга қолдириш мумкин, бироқ тарбияни бир сонияга ҳам, бир дақиқага ҳам кечиктириб бўлмайди. Фарзанд тарбияси кундалик ҳаётимизда биринчи ўринда турмоғи лозим. Зеро, фарзандларимиз бизнинг келажагимиз ва эртанги кунимиз ҳисобланади.

Бугунги кунда бундай муҳим масала кўпчилигимизнинг ёдимиздан кўтарилгандек. Ҳаммамиз тирикчиликка ўралашиб, фарзандларимизга беъътибор бўлиб кетяпмиз. Албатта, ҳар бир ота-она боласига яхши еди-

риб, яхши ичиргиси, яхши кийинтиргиси, у учун яхши шароитлар яратиб бергиси келади ва шу йўлда эртау кеч меҳнат қилади. Бироқ уларга яхши тарбия бериш ундан-да муҳимроқдир. Тарбияга бўлган беъътиборлик, масъулиятсизлик қандай оқибатларга олиб келишини куйидаги хикоя орқали айтиб ўтмоқчимиз.

Бир вақтлар бир маҳаллада бадавлат одам яшар эди. Бу одамнинг икки нафар ўғли бўлиб, улар эрка бўлиб ўсдилар. Бу одамнинг кекса, оқил, яхши ахлокли, ҳаммага меҳрибон оксоқол қўшниси бор эди. У кунлардан бир кун болаларнинг отасига:

– Қўшни, ўғилларингизни диний таълимга берсангиз, сиз учун жуда яхши ва хайрли бўлади. Диний тарбия олган болалар гўзал ахлокли бўладилар. Кейин менга раҳмат, дейсиз. Мен кексайиб қолган, аччиқ-чучукни тотиган, тажрибали одамман. Сиз ҳали ёшсиз, ҳар ҳолда тажрибангиз менга нисбатан озроқ. Болаларингизга диндан дарс берувчи устоз топинг, уларга ахлоқ, одоб, тарбия, дин, фазилят дарсини берсин. Шундан кейин роҳатда яшайсиз. Ўшанда менга раҳматлар айтиб, эслаб юрасиз, – деди.

Болаларнинг отаси ҳали ёш эди. Бадавлат бўлса ҳам, ҳаётини тажрибаси оз, пули кўп бўлгани билан ақли унча ўткир, фаҳми кучли эмас эди. У кўпни кўрган кекса қўшнининг насиҳатларига бундай жавоб берди:

– Мен фарзандларим учун жуда кўп давлат тўплаб қўйганман. Бу мерос уларга умрларининг охиригача этади. Диндан дарс олишга эҳтиёжлари йўқ.

Орадан ўн-ўн беш йил ўтди. Бир куни ота ўғиллари билан биргаликда дастурхон атрофида ўтириб:


– Ўғлим, менга озгина сув бергин, – деди. Кичик ўғил отасига:

– Ота! Сув олдингизда турибди, ана пакир, ана чўмич, – деди.

Тўнғич ўғил укасининг отасига қилган бу кўпол муомаласини танқид қилган бўлиб:

– Ота, сиз бу ўғлингизнинг феъли, ахлоқи қандайлигини яхши биласиз. Унга айтиб ўтирасизми? Шундай туриб, ўзингиз чўмичда сув олиб ича қолинг. Кейин сувдан менга ҳам бир чўмич узатворинг, – деди.

*Ирода тайёрлади.*



# МИРЗО УЛУҒБЕК РАСАДХОНАСИ

Улуғбек расадхонаси 1424-1428 йиллар мобайнида Самарқанд шаҳри яқинидаги Обираҳмат анҳори бўйида қурилган. Расадхона Мирзо Улуғбекнинг фармониға мувофиқ қад кўтарган бўлиб, уни бунёд этишда унинг устози Қозизода Румий ва Ғиёсиддин Жамшид бош-қош бўлганлар. Расадхона жойлашган ушбу мавзе маҳаллий аҳоли ўртасида «Нақши жаҳон» деган ном билан машҳур бўлган. Расадхонанинг асосий қисми радиуси 40,2 метрли секстант(олтибурчак шаклида) бўлган. Улуғбек расадхонасида олиб борилган кузатишлар ва тадқиқотлар натижасида 1018 та кўзғалмас юлдузларнинг ўрни ва ҳолати аниқланиб, уларнинг астрономик жадвали тузилди. Шу даврда олиб борилган тадқиқотлар асосида математика ва астрономия фанларига оид кўплаб нодир асарлар яратилди.

Мирзо Улуғбекнинг сайъ-ҳаракатлари натижасида расадхона ўз замонаси шароитига мос мукамал астрономик асбоб ва усқуналар билан жиҳозланган олий даражадаги илмгоҳға айланган. Бундан ташқари, ушбу расадхона қошида фаннинг деярли барча соҳаларига тегишли қарийб ўн минг жилд китоб мавжуд бўлган замонанинг бой кутубхонаси ҳам ташкил қилинган. Улуғбекнинг вафотидан сўнг (1449 йили) расадхона қаровсиз, хароба ҳолға келиб қолади, унинг асбоблари бузиб ташланади. Олимлар Самарқандни тарк этишади. Аёвсиз урушлар

туфайли расадхона XVI-XVII асрларда йўқ бўлиб кетади. Ниҳоят, археолог олим В.Л.Вяткин самарқандлик кекса олимдан XVII асрга оид бир вақф ҳужжатини олишға муваффақ бўлади. Шу асосда расадхонанинг сақланиб қолган ер ости қисмини топади. Расадхона қолдиқлари топилган тепалик ер сатҳидан баландлиги тахминан 21 метр, шарқдан ғарбға чўзилган, кенлиги қарийб 85 метр, жанубдан шимолға чўзилган, узунлиги 170 метр келадиған табиий тошли баландликдан иборат. Қазииш ишлари олиб борилган вақтда турли рангдаги кўпгина кошин ғиштчалар, шунингдек, мозаика бўлақчалари ҳам топилган. Тарихий манбалардан маълум бўлишича, девордаги суратларда осмон гумбази, самовий жисмлар, уларнинг жойлашиши, сайёраларнинг орбиталари, кўзғалмас юлдузлар, денгизлар, океанлар, тоғлар бўйича иқлим минтақаларига бўлинган ер курраси ва ҳоказолар тасвирланган. XVII-XVIII асрларға оид адабиётларда Улуғбек расадхонаси ҳақида гапирилиб, унинг улканлиги ва улуғворлиги кўрсатиб ўтилади. Расадхонанинг баландлиги 31 метр бўлган ва расадхона теварағида олимлар ва хизматчилар учун катта-кичик ҳужралар қурилган. Ушбу расадхона «Бутунжаҳон Тарихий Ёдгорликлар рўйхати»ға киритилган.

*Ирода тайёрлади.*



«Кибр», «такаббур» сўзлари луғатда катталик маъносини билдиради ва ўзини бошқалардан катта, устун ва афзал ҳисоблаш сифатига эга бўлган шахсга нисбатан ишлатилади.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу сифатни «Кибр ҳақни инкор қилиш ва одамларни ҳақир санашидир», деб таърифлаганлар.

Имом Ғаззолий кибрни «У ўзини улуғ санаш ва кадрини бошқанинг кадридан устун қўйиш», деб таърифлаган.

Ўзини юқори олган одам кибр аҳлидан бўлади. Камолот сифатларининг соҳиби бўлган одам ўзини бошқалардан юқори олмайди. Кибрга берилган кимсалар одамлар фақат уларни зиёрат қилиши кераклигини, одамлар уларнинг ҳожатларини чиқаришлари, улуғлашлари, жой бўшатишлари, доимо уларнинг такволари ва ибодатларини мадҳ қилиб туришлари лозимлигини даъво қиладилар. Насаби шарафли бўлган одам ўзидан илми ва амали устун бўлган одамга такаббурли муомала қилади. Уларнинг наздида бошқа одамлар худди уларнинг кули ёки хизматкоридек бўлади. Охиратда ҳамманинг насабига эмас, амалига қараб даража берилади. Кимнинг амали яхши бўлса, насаби қандай бўлишига қарамай, олдинга сурилади, олий мартабаларга эришади. Кимнинг амали ёмон бўлса, у ортга сурилади, иши чатоқ бўлади. Насаби қанчалик олий бўлмасин, иши олдинга сурилмайди.

*Амр ибн Шуъайб отасидан, у эса бобосидан ривоят қилади:*

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Мутакаббирлар қиёмат куни маҳшаргоҳга одам суратида қизил чумолига ўхшаш ҳолда келтирилади. Уларни ҳар тарафдан хорлик қоплаб туради. Уларни жаҳаннамдаги Бўлас деб номланган қамоқхона томон ҳайдаб кетилади. Устиларидан оловнинг шиддатлиси ёниб туради. Дўзах аҳлининг йирингидан – «тайнатул хобаал»дан ичирилурлар», дедилар».**

## КИБР ВА ТАКАББУРЛИК

Кибрлилар қиёмат куни одам суратидаги заиф, кўзга илинмайдиган чумолига ўхшаш ҳайвон шаклида тирилтириладилар. Хорлик уларни ҳамма тарафдан қоплаб туради, улар эса кўрқиб, титраб-қақраб турадилар.

Ана шунда улар жаҳаннамдаги Бўлас деб номланган қамоқхона томон ҳайдаб кетилади. Устиларидан олов ёниб тургани учун ғоятда чанқаб, қизиб кетганларида «тайнатул хобаал», яъни, куйиб ётган дўзах аҳлининг яраларидан оққан йирингдан «Ма, ич!» деб берилади.

Мутакаббирликнинг уқубати ана шундай экан. Кибру ҳаволилар дўзахнинг оддий бир жойига тушиб қолмас экан. Балки ўзини бошқалардан баланд тутгани, бошқаларни камситгани учун Аллоҳ таоло уларни ҳатто дўзах аҳли ичида ҳам энг хор аҳволга туширар экан, бошқаларга нисбатан ҳақир бир махлуқ шаклига солар экан. Атрофларидан хорлик, зорлик ёғилиб турар экан. Бунинг устига, улар жаҳаннамнинг ичида такаббурлар учун маҳсус тайёрланган қамоқхонага молни ҳайдагандек ҳайдаб борилар экан. Тепаларидан олов пуркалиб турар, шу туфайли ташналикдан азобланар экан. Бир култум сувга зор бўлиб турганларида уларга оловдан ёнаётган дўзах аҳлининг ярасидан, танасидан оқиб турган йирингдан ичирилурлар экан.

Аллоҳ таоло бундай нарсалардан Ўзи сақласин. Ҳар биримиз кибрдан ниҳоятда эҳтиёт бўлишимиз, мутакаббирларнинг яқинига ҳам йўламаслигимиз лозим.

*Назокат тайёрлади.*



**И**нсон ҳаётида оилавий тинчлик ниҳоятда муҳим ҳисобланади. Яхши касби, яхши дўст-ёрлари бўлгани билан оиласи тинч бўлмаса, ҳеч ким ўзини тўлақонли бахтли деб айта олмайди. Ҳар бир инсон оила қураётган экинчи кундан, «Келажакда мен албатта, энг бахтли оила соҳиби ёки соҳибаси бўламан», деб яхши ният қилади. Бироқ ҳамма нарса ҳам биз ўйлагандек бўлавермайди. Ҳеч ким тақдирида нима битилганини олдидан айта олмайди.

Аммо ҳар қанча оғир бўлмасин, оилада келишмовчиликлар, ажралишлар бугунги кунда жуда кўпайиб кетмоқда. Оила бузилганда ким кўпроқ жабрланади? Ким кўпроқ азият чекади? Албатта, ҳаммадан кўра аёл кишига қийин бўлади. Чунки халқимизда «Чиққан қиз чиғириқдан ташқари» деган мақол бежизга айтилмаган. Одатда, турмуши бузилиб, эриникидан қайтган қиз уйида яхши кутиб олинмайди. Аввалига ҳамма унинг қўнглига қарагандек бўлади. Кун ўтиб, ой ўтиб, қайтган қиз ҳамманинг кўзига тикандек кўрина бошлади. Агар ака-укаларга, келинони-келинларга унинг борлиги ёқмаса, шундай яшаш унинг ўзига ёқади, деб ўйлайсизми? Унинг ичидан ўтадиган кечинмалари фақатгина ўзига ва Аллоҳга аён. Уни фақат ўзига ўхшаган вазиятга тушганларгина тушунади. Бу ҳолатга тушмаганлар эса уни ҳис қилишлари жуда қийин. Ушбу ҳолатдаги аёлга қандай муносабатда бўлиш керак?

Бу ҳақда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан куйидаги ҳадис ворид бўлган:

*Суроқа ибн Жаъшам розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Эй Суроқа, сенга энг улуг садақанинг ёки садақадан ҳам улугроқ нарсанинг далолатини берайми?» дедилар.

«Ҳа, эй Аллоҳнинг Расули», деди у.

«Ҳузурингга қайтиб келган

**ва сендан бошқа таъминотчиси бўлмаган аёл зотиға икром кўрсатмоғинг», дедилар».**

Демак, қизми, сингилми, турмуши бузилиб қайтиб келган бўлса-ю, унга отаси, ё акаси, ё укасидан бошқа қаровчи, боқувчи бўлмаса, ҳалол касб ила топганидан унга инфоқ қилган, унга икром кўрсатган ота, ака ёки ука жаннатга кирар экан.

Бу ерда биз оилага енгил-елпи қарайдиган, ҳаёт кийинчиликларига сабр қилмай ажрашиб кетаётган аёл-қизларни эмас, балки ҳақиқатдан ҳам ноиложликдан оиласи бузилганларни назарда тутяпмиз.

Етишмовчиликданми, оғир ботадиган турли гап-сўзларданми ёки бошқа бир хўрликларга чидай олмасданми, отасининг уйига қайтиб келган бечора қизнинг жонига оро кирган, мушкулини осон қилган, уни тушунишга ҳаракат қилиб, унга далда берган ва асосийси, у ўзини сиғинди, боқимандадек ҳис қилмаслиги учун уни нафақа билан таъминлаб турган одам садақадан ҳам улугроқ иш қилган бўлар экан.

Бир-биримизга меҳр-муҳаббатли, оқибатли бўлайлик. Ҳар бир ёмонликнинг орқасида иккита яхшилик туради, деб бежиз айтилмаган. Балки ўша қайтиб келган қиз сизнинг жаннатга киришингизга сабаб бўлар...

*Дилафруз тайёрлади.*



# ФАРЗАНДНИНГ ХАҚЛАРИ

Исломда фарзандларнинг ҳуқуқлари риоя қилинган бўлиб, бу ҳуқуқлар уларнинг ота-оналари ёки қариндошлари, яшаётган жамиятларига вазифа қилиб юклатилган. Унга ҳар бир мусулмон амал қилиш вожибдир.

Фарзандларнинг қандай ҳақлари бор? Уламо-ларимиз бу саволга жавоб тариқасида қуйидагиларни зикр қиладилар:

**1. Насаб.** Никоҳнинг асл мақсадларидан бири ҳам насл-насабни сақлашдир. Бусиз оила ҳам, жамият ҳам бўлмайди.

**2. Бўлажак фарзандга муносиб она ва ота танлаш.** Ислом бола ҳақида у ҳали дунёга келмасидан анча олдин, оила қуришга тайёргарлик кўрилайётган пайтдан қайғура бошлайди. «Талҳийс» номли китобда Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар:

«Сулбингизга ихтиёрни яхши қилинг. Тенгни (тенгингизни топинг) ва уларга никоҳланинг» (Ибн Можжа ва Дора Кутний ривоят қилишган).

Оила қурилар экан, ота-онанинг диндорлигига, ахлоқ-одобига, инсонийлигига алоҳида эътибор берилади.

**3. Эмизиш.** Туғилган бола аввало эмизишга муҳтож. Бу эса онанинг вазифаси. Шаръий сабаб ила она эмиза олмаса, эмизувчи топиш ва уни рози қилиш отанинг иши ҳисобланади.



Аллоҳ таоло Бақара сурасида: «**Оналар фарзандларини тўлиқ икки йил эмизурлар. (Бу) эмизшни батамом қилмоқчи бўлган киши учундир**», деган (233-оят).

Гўдакнинг ҳақларидан бири ва оналарнинг энг мўътабар вазифаси фарзандни икки йил эмизишдир. Янги туғилган гўдакнинг жисми ва руҳининг ўсишига онасининг сutiдан афзал озуқа йўқ.

**4. Боланинг ота-онадаги ҳақларидан бири унга муносиб исм танлашдир.** Фарзандга маънодор, чиройли исм қўйиш ҳам ота-онанинг бурчи.

Ҳусайн ибн Ҳасан Марвазий «Китобул бирри вас-сила»да Абул Мўътамирдан келтирган ривоятда шундай ёзади:

«Умар ибн Абдулазиз раҳматуллоҳи алайҳининг ҳузурда масалаларни эслашди. Бир киши: «Менга етиб келган хабарларга

қараганда, туғилган болага исм қўймай туриб ўлган бўлса, қиёмат куни отасига: «Мени исмсиз тарк қилдинг-ку!» дейди», деди».

Шунинг учун ҳар бир мусулмон ота-она бу муҳим ишга алоҳида эътибор ила ёндашмоғи лозим. Токи фарзанд катта бўлиб, оқ-қорани таниганда ўз исмидан уяладиган бўлмасин. Балки исм унга зийнат бўлиб турсин.

**5. Ақиқа ҳам боланинг ота-онадаги ҳақларидандир.** «Ақиқа» луғатда «ёрди» деган маънони англатиб, аслида янги туғилган боланинг сочига нис-



батан қўлланади. Шариат таълимотларига мувофиқ, туғилишнинг еттинчи куни боланинг сочини олиб, ўша соч оғирлигида кумуш садақа қилиш тавсия этилади. Соч бошдан ажратиб олингани учун, бу маросим «ақиқа» дейилади. Ўша муносабат ила сўйиладиган қўй ҳам «ақиқа» дейилади. Истеъмолда шу маъно кўп ишлатилгани учун, «ақиқа» деганда фақат янги фарзанд туғилиши муносабати ила сўйиладиган қўй тушуниладиган бўлиб қолган.

**6. Янги туғилган боланинг қулоғига азон ва такбир айтиш.** Абу Рофеъ розияллоху анхудан ривоят қилинади: «Расулulloх соллalloху алайҳи васалламнинг Фотима розияллоху анҳонинг ўғли Ҳасан ибн Алининг қулоғига намознинг азонини айтётганларини кўрдим» (*Абу Довуд ва Термизий ривоят қилишган*).

Ушбу ҳадиси шарифга биноан, янги туғилган фарзанднинг ўнг қулоғига азон, чап қулоғига икома айтиш мандубдир. Аллоҳнинг зикри янги туғилган боланинг қулоғига кирган биринчи нарса бўлиши қандай ҳам яхши! Албатта, бу улугъ нарсанинг ўзига яраша баракаси бўлади.

**7. Янги туғилган боланинг танглайини кўтариш.** Абу Мусо розияллоху анхудан ривоят қилинади: «Менинг ўғлим туғилганида уни Набий соллalloху алайҳи васалламнинг хузурларига олиб бордим. Ул зот уни Иброҳим деб номладилар, хурмо ила танглайини кўтардилар ва унга барака тилаб дуо қилиб, менга тутқаздилар. У болаларимнинг каттаси эди» (*Икки шайх ривоят қилишган*).

**8. Ҳомийлик.** Бола етти ёшга киргунича бировнинг ҳимоясига муҳтож. Яъни овқатланиш, кийиниш, ювиниш ва бошқа ҳолатларда доимо катталарнинг ёрдамига муҳтож. Бу ишларни унинг ота-онаси, улар бўлмаса, яқин қариндошлари амалга оширишлари вожибдир.

**9. Валийлик.** Етти ёшдан балоғат ёшига етгунча бўлган болалар валийга, ўзидан катта раҳбарга муҳтождирлар. Бу ҳам, агар ота-она бўлмаса, яқин қариндошларига юклатилади.

**10. Нафақа.** Болаларнинг нафақаси, уларни озик-овқат, кийим-кечак, турар-жой билан таъмин этиш отанинг бурчидир. Бу нарсалар ҳалол-пок бўлиши матлубдир. Фақир ёш боланинг нафақаси отасига вожиб бўлади. Бу ҳукмнинг далили қуйидаги ояти каримадир. Аллоҳ таоло Бақара сурасида: «**У(она) ларни маъруф ила едириб, кийинтириш туғдирганнинг зиммасидадир**», деган (*233-оят*).

Боланинг сабабидан онага нафақа бериш вожиб бўлганидан кейин боланинг ўзига нафақа бериш вожиб бўлишида ҳеч шубҳа қолмайди. Боланинг нафа-

қаси фақат отага, ота-онанинг нафақаси фақат ўғилга ва хотиннинг нафақаси фақат эрга вожиб бўлади. Унга бу нафақада ҳеч ким шерик бўлмайди.

**11. Болага меҳрибонлик кўрсатиш ота-онанинг вазифасидир.** Усома ибн Зайд розияллоху анхудан ривоят қилинади: «Расулulloх соллalloху алайҳи васаллам мени олиб, сонларига ўтирғизар эдилар. Ҳасанни эса бошқа сонларига ўтирғизардилар. Сўнгра сонларини бир-бирига кўшиб туриб: «**Аллоҳим! Иккисини раҳм қилгин, мен уларга раҳм қилурман**», дер эдилар» (*Бухорий ривоят қилган*).

Қизларга алоҳида хурмат ва меҳр билан муносабатда бўлиш ҳақида Расулulloх соллalloху алайҳи васалламнинг кўрсатмалари бор. Чунки қизлар меҳрга муҳтож, ўзлари ожиз бўлишади. Шу боис, уларнинг тарбиясида кўпроқ эътибор ва меҳр, эҳтиёткорлик зарур бўлади.

**12. Фарзандлари орасида адолат қилиш ҳам ота-онанинг вазифасидир.** Нуъмон ибн Башир розияллоху анхудан ривоят қилинади: «Отам мени кўтариб, Расулulloх соллalloху алайҳи васалламнинг хузурларига олиб бордилар ва: «Эй Аллоҳнинг Расули, гувоҳ бўлинг, мен Нуъмонга ўз молимдан буни-буни бердим», деди. «Ҳамма ўғилларингга шунга ўхшаш бердингми?» дедилар. «Йўқ», деди. «Бунга менадан бошқани гувоҳ қил, – дедилар ва сўнгра: – Сени уларнинг барчаси сенга бирдек яхшилик қилиш хурсанд қиладими?» дедилар. «Ҳа», деди. «Ундай бўлса, йўқ (яъни гувоҳ бўлмайман)!» дедилар» (*Бешовлари ривоят қилишган*).

Ушбу ҳадисга биноан, мусулмон инсон молиявий масалаларда ўз фарзандларининг барчасини баробар кўриши керак.

**13. Балоғатга етгандан сўнг уйлантириб, оилали қилиб қўйиш ва бошқалар.** Шу ўринда оила раҳбари зиммасига катта масъулият юклатилишини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчимиз. Ўз фарзандларининг, аҳли-аёлининг ахлоқи, хулқ-атвори, юриш-туриши учун оила бошлиғи масъулдир.

**14. Тарбия ҳаққи ҳам фарзандлик ҳақларидандир.** Набий соллalloху алайҳи васаллам: «Ёш болани етти ёшида намоз ўқишга буюринг, ўн ёшга етганда ҳам ўқимаса, уринг», дедилар (*Термизий ривоят қилган*).

Демак, ҳар биримиз ўғил-қизимизни, оила аъзоларимизнинг барчаларини динга даъват қилишимиз, диний аҳкомларни доимо бажаришларини қатъият билан талаб қилиб, иймон-эътиқоди, одоб-ахлоқи ва бошқа жиҳатларининг тарбиясига аҳамият бериб туришимиз лозим.

# ҲАҚИҚИЙ БОЙЛИК

– Бобо, бобожон, эшитдингизми, телевизорда айтишди, америкалик бир киши лотереяда икки юз ўттиз олти миллион ютиб олибди, тасаввур қиялпсизми?!

– Хўш, нима бўпти?

– Нима бўпти, деганингиз нимаси?! У энди нимани хоҳласа, шуни сотиб олиши мумкин!

– Нимани хоҳласа-я? Бу нима деганинг, – дея кулди Саид бобо. – Агар у одам кекса киши бўлса, ҳаммадан кўпроқ соғликни хоҳлайди. Уни сотиб олиш мумкин эканми?

– Барибир, келинг, биз ҳам чипта сотиб олайлик, – дея Аҳмад ўжарлик қилишда давом этди. – Менда икки минг сўм бор! Мана кўрасиз, биз албатта ютамиз!

– Бизлар аллақачон ютуққа эга бўлганимизни сенга ҳали айтмаганмидим?

– Ютуққа эга бўлганмиз?!

– Ҳа, энди бундай ўйинни ўйнашимизга ҳожат ҳам йўқ. Биз лотерея чиптасини сотиб олмаданок, ютиб бўлганмиз.

– Қандай қилиб бундай бўлиши мумкин?

– Бўлиши мумкин, лекин бу ҳаммага ҳам насиб қилавермайди. Қулоқ сол. Агар инсонда иймон бўлмаса, – давом этди бобоси, – у ҳолда у ўз пулига бу дунёдаги баъзи нарсаларни сотиб олиши мумкин, холос. Агар пули жудаям кўп бўлса, у пуллар тугашидан аввал ҳаёти тугаб қолиши мумкин.

– Худди менинг тетрисимнинг батареикасига ўхшаркан, мен эндигина ютган эдим, у ўчиб қолди...

– Ҳа, баракалла. Энди эшит. Умри тугаётганини сезган инсон уни узайтириш учун ҳаракат қилади, лекин удалай олмайди. Бутун бойлигини сарфласа ҳам, умрини бир сонияга бўлса-да, узайтира олмайди.



Инсон қанчалик кўп яшамасин, яна кўпроқ яшашни хоҳлайди, лекин барибир бир кун келиб ўлади. Агар у иймонсиз ҳолида ўлса, нима қилиб бўлса ҳам ортга қайтгиси келади. У ўз руҳини қутқариш умидида, яна бир бора яшаш учун ёки умрининг охириги соатларини қайтариш учун ҳамма нарсага рози бўлади, аммо унда кеч бўлади. У ўз ҳаётини ундаги барча ютуқлар билан бирга бой берган бўлади.

Биз, мусулмонларнинг бу борада омадимиз келган. Аллоҳ бизларга бугуни ва охири хайрли бўлган шундай ҳаёт ато этганки, бу ҳаёт бизнинг энг катта ютуғимиздир. Уни биз умримизнинг охиригача авайлашимиз ва унинг шукрини адо этишимиз, ҳар лаҳзада ажр-савоб олиш пайида бўлишимиз лозим. Хоҳлайсанми, шу бугунок бошлаймиз?

– Ҳа, хоҳлайман, лекин қандай қилиб? – сўради Аҳмад бобосидан.

– Жуда оддий. Қўлингдаги икки минг сўмни масжид олдидаги фақирларга садақа қил...

*Малоҳат Анвар тайёрлади.*



## Одоб – Катталардан

Валид ибн Нумайр ибн Авсдан ривоят қилинади: «У отасининг «Улар: «Солиҳлик Аллоҳдан, одоб оталардан», дейишар эди», деганини эшитган экан».

Боланинг ким бўлиб етишиши, шубҳасиз, Аллоҳ таолонинг қадари ила бўлса ҳам, унинг одобли бўлишида ота-онанинг ўрни бекиёсдир.

Аллоҳ таоло ота-онага мана шундай масъулиятли ишни юклаган ва уни адо этишни талаб қилган. Бу дунёдаги барча жараёнларни сабабият қонуни асосида кечадиган қилиб қўйган Аллоҳ таоло инсон боласининг одобли бўлиб етишишини ота-она томонидан бериладиган тарбияга боғлаб қўйган...

Меҳр-муҳаббат, ўзаро ҳурмат, садоқат ва ишонч, буларнинг ҳаммаси оилада шаклланади. Шундай экан, келинг, биз ўзимиз қандай ўсиб-улғайганимизни, қандай тарбия топганимизни эслайлик-да, сўнг бизнинг фарзандларимиз қандай улғаяётганига назар солайлик. Бизнинг болаларимизнинг тобора бемехр ва худбин бўлиб бораётганининг сабаби нимадалигини ўйлаб кўрадиган вақт келмадимикан?!

Ҳамма айбни замонга ағдаришдан аввал ўз нуқсонларимизга, бола тарбиясида йўл қўяётган камчиликларимизга назар солсак яхши бўлар эди.

Катталарни ҳурмат қилишни, ота-онага меҳр-муҳаббатли бўлишни болаларимизга аввало ўзимиз ўрнатиб бўлиб ўргатишимиз лозим эмасми?! Ўз онамизга жеркиб гапираётганимизни, хизматини қилиш ўрнига унга хизматкордек муомала қилаётганимизни кўриб катта бўлган фарзандимиздан бизни ҳурмат қилишини кутишимиз; ёқтирмаган одамимиз эшигимизга сўроқлаб келса, боламизга «Уйда йўқлар», деб ёлғон гапиришга ўргатиб, кейин доимо рост гапиришини талаб қилишимиз; ўзимиз ҳамма билан урушиб, ғийбат, тухмат, чақимчиликни касб қилиб олиб, шаллақилик қилиб юрган ҳолимизда фарзандимизнинг мулоим, хусни хулқли бўлишини кутишимиз ва яна бошқа иллатлардан омонда бўлмай туриб, болаларимизнинг одобли бўлиб улғайишларидан умидвор бўлишимиз худди арпа экиб, буғдой униб чиқишини кутган аҳмоқ деҳқоннинг ишига ўхшамайдими? Ахир «Нимани эксанг, шуни ўрасан!» дейишади-ку!

Бола одобни кимдан ўрганади?

Оиладаги етишмовчиликдан, эрининг ношудлигидан нолиб, бақириб, жавраб-жавраб овқат пиширадиган ва кейин ўша овқатни дўққиллатиб дастурхонга қўяётиб: «Ма, ол, захрингга е!» дейдиган

онаданми? Ёки эрта кетиб, кеч келадиган, келгач эса на хотинига, на болаларига лом-мим демай, диванга ёнбошлаб олиб телевизор томоша қиладиган, қовоғини уйиб юрадиган, она сути оғзидан кетмаган боласини ҳали папирос, ҳали ароқ олиб келишини буюриб дўконга югуртирадиган отаданми? Ёки эртадан кечгача компьютердан бош кўтармайдиган, ҳали «Фейсбук», ҳали «Одноклассники»даги таниш қизлар билан «чат»лашаётган акасида, ёки кун бўйи тошойна олдида жамолига махлиё бўлиб, «модел» бўлиш орзусида куйиб-ёнаётган опасиданми?..

Бечора бола булардан қай бирининг олдида борса, «Нари тур! Ҳалақит берма!» деган гапни эшитиши муқаррар. Кейин у нима қилади? Ё телевизорга муккасида кетади, ёки кўчага чиқиб, ўртоқлари билан кўча чангитади. Ҳеч кимнинг у билан иши йўқ, хоҳлаганини қилади. Оиласи бўла туриб, «қаровсиз» қолган, аслида одобсиз ва тарбиясиз оиладан бўлган бу бола ундан-да баттарроқ «одобсизлик» ва «ҳаёсизлик»ни шиор қилиб олган кўча ҳаёти оғушига отилади.

Албатта, орамизда барчага намуна бўла оладиган оилалар, ибратли ота-оналар ҳам кўп. Аммо бундай ота-оналар ҳам ўз фарзандларини атроф-муҳитнинг зарарли таъсирларидан ҳимоя қилиб олишлари тобора мушкул ишга айланиб бормоқда. Чунки ташқаридаги муҳит таъсири хонадонларимизга аллақачон кириб келиб, телефон, компьютер, интернет каби замонавий аслаҳалар оиламизда ўз тартибини ўрнатиб бўлган. Биз нафақат ташқи муҳитни, ҳатто уйимиз ичидаги муҳитни ҳам бошқаришга ожиз бўлиб қолмоқдамиз. Агар сиз бу нарсаларни уйингиздан чиқариб ташласам, хотиржам бўламан деб ўйлаётган бўлсангиз, янглишасиз, бунда бола кўчага қараб интилади ва сиз ман қилган ҳамма нарсани кўчадан топади. Қани, шундан кейин уни уйга қайтариб кўринг-чи. Хўш, нима қилиш керак?

- Болангизга ҳамма нарсани муҳайё қилар экансиз, аввало унга бу нарсалардан оқилона фойдаланиш йўлларини ўргатинг.

- Уни нафсониятига тегмаган ҳолда доимо назорат қилиб туриш лозим.

- Болани кўпроқ китоб ўқишга қизиқтириш керак.

Баъзилар: «Интернетдан кўп нарса ўрганса бўлади, нимани истасанг, ўша нарса ҳақида маълумот бор», дейишади. Тўғрику-я, лекин «Ҳамма маълумотлар бизнинг болалар учун фойдалими, уларнинг ҳаммаси ҳам тўғри маълумотларми, нимага энди улар

нинг миясини кераксиз нарсаларга тўлдиришимиз керак?» деб ўйлаб ҳам кўришмайди. Кўз нурунинг кетиши, елкалари букчайиб қолиши, доим виртуал олам билан мулоқот қилиб ўрганган боланинг, реал ҳаётдаги оддий муомалани билмаслиги, жамиятда ўз ўрнини топа олмаслиги ҳеч кимни қизиқтирмайди.

...Катта йўл ёқасида жойлашган кўп қаватли уйнинг учинчи қаватида яшаймиз. Баъзида бирор нарсдан сиқилсам ёки кўп ишлаб чарчасам, асабларимни тинчлантириш, миямга дам бериш учун деразадан ташқарига қарайман. Юқоридан қараганда, пастдаги манзара чиройли ва яққол кўринади. Лекин кўчадаги ахвол кўриб, маза қиладиган эмас. Ана, пастки қаватда яшайдиган кўшни қиз яна калта, тор юбқасини кийиб, қаёққадир кетяпти, деразадан норози бакираётган онасининг гапига парво ҳам қилгани йўқ. Хув нарироқда, уйнинг бурчагидаги пана жойда бошқа бир кўшни қиз бир йигит билан гаплашиб турибди. Бир кўшни аёл икки кўли тўла халталар билан бозордан қайтмоқда, олдида келаётган кап-катта ўғли онасининг қўлидагиларни олишни хаёлига ҳам келтиргани йўқ, бир кўли қулоғида, телефонда гаплашаётган бўлса керак, бир кўлида папирос. Ана, тепа қаватдаги кўшним ҳам ҳаллослаб ишдан келяпти, эри ҳам, ўзи ҳам олийгоҳда дарс беришади. Ҳар кўришганда одамларнинг тарбиясизлигидан, уйимиз атрофига ахлат тўкиб кетаётган беодоблардан шикоят қилади, лекин ўзининг ўсмир ёшидаги қизлари сонларини очиб, калта кўйлақда юришларига, уйлари ҳар доим ивирсиб ётишига парво ҳам қилмайди.

Кўшни уйда яшайдиган, енгилтаклиги ва шаллақилиги, ёшига ярашмаган сариққа бўялган калта сочлари билан танилган, тор ва калта кийимларда беўхшов ва кулгили кўринадиган бир аёлнинг ўрта мактаблардан бирида директор лавозимида ишлашини эшитганимда ҳайратдан ёқа ушладим. Мактаб раҳбарининг бу кўринишидан ўқувчилар қандай ибрат олишар экан? Ундан ҳам аянчлироғи, ўзининг одобсизлиги ва беҳаёлиги билан донг таратган бир танишимнинг мактабда «Одобнома» фанидан дарс бераётгани... Энди ахвол шундай бўлгач, болаларимиздан қандай қилиб одобли бўлишни талаб қила оламиз?! У бечоралар кимдан ўрнак олишсин. Уйдаги ахвол ҳалигидай, мактабдагиси ундан қолишмайди.

Бир жамиятда яшар эканмиз, «менинг болам, сенинг боланг» деб ажратишга ҳеч биримизнинг ҳаққимиз йўқлигини унутиб қўйдик. Илгари «Бир болага етти маҳалла ота-она», дейишарди. Қариндош-уруғ, кўни-кўшни, таниш-билишлардан бирортаси бизга насихат қилса ёки дашном берса, буни кўнглимизга оғир олмас эдик, аксинча, хатоларимизни тўғрилашга ҳаракат қилардик.

Ҳозир эса агар бирор кўшнингизга, кўшнингиз тугул қариндошингизга «Қизингиз, ё ўғлингизнинг қадам олиши сал бежороқ, эътибор беринг», деган мазмунда огоҳлантирмоқчи бўлсангиз, боласини тергаш ўрнига сизга қарши уруш очади: «Ҳали сен менинг боламга тухмат қиялсанми?!» деб эшигини қарсиллатиб ёпиб қўяди. Агар сизни бирор жойда учратиб қолса, худди бир жирканч нарсани кўриб қолгандек, юзини буради. Ваҳоланки, сиз унга фақат яхшилиқ қилмоқчи эдингиз. Энди ўша қиз ё йигит ўша ишни ошқора қилаётганини кўриб қолсангиз ҳам индамайсиз, чунки унинг ўзига ҳам, онасига ҳам гапиришнинг фойдаси йўқ. Бир марта гапириб, балога қолгансиз. Лекин ҳеч нарсани ўзгартира олмаслигингиздан, иймнингиз заифлигидан юрагингизнинг бир четида мудраб ётган виждонингиз қийналади.

«Одобли бола», «одобли қиз» деган ибораларни кўп эшитганмиз. Лекин «одобли ота», «одобли она», «одобли эр», «одобли хотин», «одобли кўшни», «одобли муаллим» каби иборалар ҳеч қулоғингизга чалинганми? Негадир одоб фақат болаларга хос фазилат ҳисобланиб қолган...

Одобли авлодни одобли аждодлар тарбиялайди. Бизнинг миллатимизни, ота-боболаримизни дунёга танитган энг юксак фазилат негизида Ислому ётган шарқона одоб эмасми? Нега энди ўзлимиздан кечиб, ўзгалар кўлида ўйинчоқ бўлиб қолдик?! Нега фарзандларимизнинг жар ёқасида турганини, баъзилари аллақачон унга қулаганини кўриб туриб ҳам кўзимизни очмаймиз? Ахир улар бизнинг келажагимиз-ку!

Ҳалқимизда «Одобни одобсиздан ўрган» деган мақол бор. «Қандай қилиб одобсиздан одоб ўрганиш мумкин?» деган савол туғилиши табиий. Бу дегани агар одам ўзи одобли бўлса, яъни унда одоб-ахлоқ ҳақида тушунча бўлса, у бошқа одамнинг одобсизлик қилаётганини яхши билади ва бу ножўя ишни қилишдан ўзини сақлайди. Агар унда бундай «иммунитет» бўлмаса, ҳар қандай одобсизга эргашиб кетаверади. Фарзандларимизда ўзга юртлардан кириб келаётган, асл фитратни емираётган «одобсиз ва ахлоқсиз» маданиятларга нисбатан «иммунитет» ҳосил қилишга ҳаракат қилайлик!

«Қуш уясида кўрганини қилади» деган мақолни эшитмаган, билмаган одам йўқ. Ўз уямизни кераксиз ҳас-ҳашақлардан тозалаш вақти келди! Бола ота-онасига қараб шаклланади. Боласини тарбиялаш жараёнида ота-она ўз-ўзини ҳам тарбиялашни, бунда йўл қўйиладиган ҳар бир кичик хато келажакда аччиқ меваларини беришини унутмаслиги лозим.

*Малоҳат Анвар тайёрлади.*



# ЖАННАТГА ЕТАКЛОВЧИ ВОСИТА

\* \* \*

Иймонларингизни садақа бериш билан маҳкам қилинглар, молларингизни закот бериш билан омон сақланглар, балолар тўлкинини дуо билан даф қилинглар.

*Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу*

\* \* \*

Илм ўрганиш нафл ибодатидан афзалроқ.

*Имом Шофеъий раҳматуллоҳи алайҳи*

\* \* \*

Ким «Илм ўрганишга чиқиш жиход эмас», деса, унинг ақли ва фикрида ноқислик бор экан.

*Абу Дардо розияллоҳу анҳу*

\* \* \*

Илм – нарсаларни инсон ақли ёрдами билан ўрганишдир.

*Абу Али ибн Сино раҳматуллоҳи алайҳи*

Мўминларга шайтондан ҳимояланиш учун учта кўрғон бор: масжид, Аллоҳни зикр этиш ва Қуръон ўқиш.

*Каъбул Ахбор розияллоҳу анҳу*

\* \* \*

Қалбнинг давоси бештадир: солихлар суҳбати, Қуръон қироати, оч юриш, кечалари ибодатда бўлиш ва сахарда тазарруъ билан дуо қилиш.

*Абдуллоҳ Антокий раҳматуллоҳи алайҳи*

\* \* \*

Қобилият эгасининг бошини силамаслик – золимлик, истеъдоди йўқни тарбиялаш – жоҳиллик.

*Муиниддин Жувайний раҳматуллоҳи алайҳи*

\* \* \*

Барча олимлар ва ҳикмат аҳллари Наъим (неъмат) жаннатига фақат нафсоний орзу-ҳавасларини тарк этиш билан этиш мумкинлиги ҳақида бир фикрда бўлганлар.

*Жаъфар ибн Ҳомид раҳматуллоҳи алайҳи*

\* \* \*

Иймонсизлик охираат сари кетишга эмас, жаннатга киришга монъедир.

*Алоуддин Башар*



## СОҒЛИҚ УЧУН ЗАРАРЛИ НАРСАЛАРНИНГ ҲАРОМ ҚИЛИНИШИ

Ислонда соғлиқни сақлаш йўлида кўрилган чораларнинг энг муҳими инсон соғлиғи учун зарарли бўлган нарсаларнинг ҳаром қилинишидир. Ҳозирги кунга келиб, соғлиқни сақлаш бўйича анча муваффақиятларга эришилган бўлса ҳам, ушбу соҳада, яъни инсон соғлиғи учун зарарли бўлган нарсаларнинг ҳаром қилинишида бошқа бирорта дин Ислон диничалик деярли ҳеч нарса қила олгани йўқ.

Ислонда эса бу масала бир минг беш юз йил илгари ҳал этилган.

*Аллоҳ таоло:*

**«Албатта, шайтон хамр ва қимор туфайли ораларингизга адоват ва нафрат солишни ҳамда сизларни Аллоҳнинг зикридан ва намоздан тўсишни истайдир. Энди тўхтарсизлар?! Аллоҳга итоат қилинг ва Расулга итоат қилинг ва ҳазир бўлинг! Агар юз ўгирсангиз, билингки, Расулимиз зиммасида очик-ойдин етказиш, холос»,** деган (*Моида сураси, 91-92-оятлар*).

Бу ояти каримада хамр билан қимор сабабли мусулмонлар орасида ўзаро адоват ва ёмон муносабат пайдо бўлиши мумкинлиги таъкидланмоқда.

Хамрнинг шахсга, оилага, жамиятга ва бутун инсониятга келтирадиган зарарлари ҳақидаги маълумотлар жуда ҳам кўп. Бу ҳақиқатларни мусулмон ҳам, кофир ҳам, Худосиз ҳам, ҳатто ароқхўр ҳам яхши билади.

Имом Бухорий, Имом Муслим ва бошқа муҳаддисларимиз келтирган ривоятда куйидагилар айтилади:

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан «тибий» ҳақида сўралди. У асалнинг набизидир. Бас, у зот: «Маст қилувчи ҳар бир ичимлик ҳаромдир», дедилар».**

Қадимги вақтда асалга сув аралаштириб, маълум муддат идишда сақлаб, хуштаъм набиз, яъни ичимлик тайёрлаб, ичилар эди. Афтидан, набиз қилаётганда вақти ўтиб кетиб, асалнинг набизи хамрга айланиб қолиш ҳоллари ҳам тез-тез учраб турганга ўхшайди. Шунинг учун баъзиларда «Асалнинг набизини ичса бўладими ёки йўқми?» деган савол пайдо бўлиб қолган. Бу ҳақда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва-

салламдан сўраганларида у зот умумий қоида бўладиган жавобни бердилар:

**«Маст қилувчи ҳар бир ичимлик ҳаромдир»,** дедилар.

Имом Муслим, Абу Довуд ва Термизий розияллоҳу анхум Торик ал-Жўфий розияллоҳу анхундан ривоят қилган ҳадисда шундай дейилади:

**«У Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан хамр ҳақида сўраганида, У зот ундан қайтардилар ёки уни тайёрлашини ёқтирмадилар. Шунда у:**

**«Мен уни даво учун қиламан», деди.**

**«У даво эмас, дарддир», дедилар Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам».**

Торик ал-Жўфийнинг саволи дардга даво учун хамр тайёрласа бўладими, деган маънода экан. Худди шу савол ҳозиргача одамлар орасида тез-тез такрорланиб туради. Баъзилар «Даво учун бир оз хамр истеъмол қилса бўлар экан», деган гапларни айтган ҳоллари ҳам бўлган. Хамр ҳақидаги бу саволнинг ҳақиқий тўғри жавоби эса Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг жавобларидир:

**«У даво эмас, дарддир».**

Демак, «Даво учун бир оз хамр истеъмол қилса бўлар экан», деган гап мутлақо асоссиз. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хамр даво эмаслиги ҳақидаги гаплари уни даволаниш мақсадида ҳам истеъмол қилиб бўлмаслигини англатса, хамрнинг дард эканини баён қилувчи гаплари эса илмий мўъжиза бўлиб чиқди. Хамрнинг кўпи ҳам, ози ҳам, маст бўлиш учун ичилгани ҳам, даво учун ичилгани ҳам дарддан иборат эканини илмий тажрибалар исботлади.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ҳар бир маст қилувчи хамрдир. Ҳар бир хамр ҳаромдир»,** деганлар.

Шунинг учун маст қилувчи ичимликми, чекимлики, хидланадиганими ёки игна ёрдамида қабул қилинадиганими, ҳамма-ҳаммаси ҳаром. Бунинг асосий сабабларидан бири инсон соғлиғи учун зарарли бўлгани учундир.

*«Ҳадис ва Ҳаёт» китобидан.*









# ОЁҚ КИЙИМИНГИЗГА ЭЪТИБОРСИЗ БЎЛМАНГ

Оёқ кийимингизнинг ҳар доим оҳорли сақла-нишини ва ярақлаб туришини хоҳласангиз, уни доимо ҳафсала билан тўғри парвариш қилиб бо-ринг. Бунинг жуда оддий ва қулай усуллари бор.

Тавсиялар:

1. Кўчадан кириб келганингиздан сўнг оёқ кийимингизни тозалаб қўйишни унутманг. Туф-ли устидаги чанг ва лой узок қолиб кетса, унинг сифати бузилиши ва ёрилишига олиб келиши мумкин.

2. Чармдан тикилган оёқ кийимни сувга солиб ювиш ярамайди. Туфлингиз нам тортган бўлса, хона ҳароратида (иситгич мосламаларидан узок-роқ масофада) қуритинг.

3. Замшдан тикилган оёқ кийимини тозалаш учун махсус чўтка ёки тиш чўткасидан фойдала-ниш мумкин.

4. Малларанг чармдан тикилган оёқ кийими-ни қаҳва билан тозалаш яхши самара беради.

5. Оқ рангидаги оёқ кийимингиз ўз рангини йўқотмаслиги учун уни вақти-вақти билан қў-пиртирилган тухум оқи ва сут аралашмаси ёрда-мида тозалаб турунг.

6. Ўз рангини йўқотган қора оёқ кийимингиз-ни тим қора кўринишини истасангиз, уни аввал арчилган хом картошка билан яхшилаб артиб, сўнгра қора крем билан бўяш лозим.

7. Рангли оёқ кийимлардаги доғларни пиёз ёрдамида тозалаш мумкин.

Юқоридаги тавсиялар оёқ кийимингизнинг ҳамиша тоза ва озода бўлишига, доимо янги хо-латда сақланишига эришишингизда ёрдам бера-ди. Озода сақланган ҳар бир кийимингиз сизни ортиқча сарф-харажатлардан сақлаши билан бирга, кайфиятингизга ижобий таъсир кўрсати-шини унутманг!

*Гўзал тайёрлади.*





## МАЛҲАМСИЗ ГЎЗАЛЛИК СИРЛАРИ

Ҳозирги кунда юз парваришига безътибор аёллар бўлмаса керак. Улар юзлари учун турли пардоз никобларидан фойдаланишади. Аммо юзни яхши ҳолатда сақлаш усулларида бири уқалаш(масаж)дир.

Уқалаш – пардозчиликда энг зарур муолажалардан ҳисобланади. У яхши нафас олишга, танадаги табиий алмашинув жараёнига ёрдам беради, қон айланишини яхшилади. Шу билан бирга, танадан айрим захарли суюқликларни чиқариб ташлашда уқалашнинг роли катта. Лекин у терининг ўзига хос тузилишини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилсагина, фойда беради. Шунинг учун уқалашда малакали мутахассис хизматидан фойдаланган маъқул. Билиб-билмай уқалаш машқларини бажариш салбий таъсир кўрсатиб, терига ёрдам бериш ўрнига уни шикастлаши, ажинлар пайдо қилиши мумкин.

Шунга қарамай, уқалашнинг мураккаб бўлмаган усуллари билиб қўйиш ҳам фойдадан холи эмас. Ҳар куни юз терисига турли пардоз кремлари суришдан олдин 3-5 дақиқа давомида уқалаш машқларини бажариш фойдалидир. Бу юзга суртиладиган нарсанинг терига яхши сингишига ҳам ёрдам беради.

Уқалашда қўл ҳаракатлари оҳиста ва майин бажарилади. Терини қаттиқ босиш, тортиш ярамайди. Уқалаш йўналишлари юзнинг қуйидаги қисмларида жойлашган: ияк ўртасидан пастки жағ бўйлаб қулоқ томон; оғиз бурчаклари, бурун қанотларидан қулоқнинг юқори қисми томон; буруннинг ён томонларидан чакка томон; юқори қовоқ терисидан – кўзнинг ички бурчагидан ташки бурчагига; пастки қовоқ терисидан – кўзнинг ташки бурчагидан ички бурчаги томон; бурунда – бурун бошидан учига томон, ўртасидан икки ён томонга; пешонада – пешона ўртасидан икки чакка томон ва қошлардан тепага; томоқда – томоқ ўртасидан пастдан тепага, ён томонда эса тепадан пастга.

Терини ушбу йўналишлар бўйича силлаш, бармоқ учлари билан оҳиста уриш ва оҳиста чимчиллаш ҳаракатларини бажариш мумкин. Бундан таш-


қари, ҳар куни юзни шапиллатиб уриш, пуфлаш уни осилиб қолишдан сақлайди.

Уқалашнинг яна бир тури ҳисобланмиш криомассаж ҳам юз териси ҳолатига ижобий таъсир кўрсатади. Бу муолажа жуда осон бўлиб, уни бажариш кўп вақтингизни олмайди. Криомассаж қуйидагича амалга оширилади: бирор доривор ўсимлик дамламасини муз учун мўлжалланган махсус қолипчаларга қуйиб, музлатгичга қўясиз. Дамлама муз ҳолатига келгач, бир донасини олиб, юпка матога ўрайсиз ва унинг ёрдамида юз ҳамда бўйинни айланма ҳаракатлар билан уқалайсиз. Бу жараён муз бўлаги эриб тугагунга қадар давом этади.

Криомассаждан аввал терига бирор малҳам сурсангиз, бу муолажа озиклантирувчи моддаларнинг терига яхши сингишига ёрдам беради. Эриган муз суви биологик фаол ҳисобланиб, у тери тўқималарининг қон айланишини яхшилади, кенгайган юз тешикчаларини торайтиради. Юз териси эса ёшариб, таранглашади.

Умид қиламизки, юқоридаги тавсияларимиз гўзаллигингизни сақлаб қолишда асқотади.

*Гўзал тайёрлади.*



# ОЛЧАЛИ КЕКС

Бу ширинлик олчанинг ширин ва нордон навларини аралаштирган ҳолда, рўзғорда доимий ишлатиладиган масаллиқлар ёрдамида тайёрланади. Уни тайёрлаш қийинчилик туғдирмайди ва кўп вақт талаб қилмайди. Бундай кексни йилнинг барча фаслларида (ҳатто музлатилган олча ишлатган ҳолда) ҳам пишириш мумкин.

Керакли масаллиқлар: 2 дона тухум; 200 грамм шакар; 100 мл сут; 60 грамм эритилган сариёғ; 80 грамм ўсимлик ёғи; 1 пакет ванилин; 600 грамм ун; 1 пакет хамирни оширувчи кукун (бакинг повдер, разрыхлитель); 200 грамм данагидан ажратилган олча; 2 чой қошиқ жўхори крахмали.

Тайёрланиши: Бир идишда ун билан хамирни оширувчи кукунни қошиқ билан яхшилаб аралаштирамиз.

Данаги ажратилган олчага (суви жуда кўп бўлмаслиги керак) крахмал сепамиз. Агар музлатилган олча ишлатсангиз, эригандан кейин

курук кўринса, крахмал кўшишга ҳожат бўлмайди.

Духовка олдиндан ёқиб, 200 даражагача иситилади.

Сўнгра алоҳида идишда 2 дона тухумга шакарни кам-кам солиб, миксер ёрдамида кўпиртирамиз, шакар эригач, юмшатишга сариёғ солиб, миксерда пастроқ тезликда кўпиртиришда давом этамиз, кейин ўсимлик ёғи, сут, ванилин ва олчани солиб, қошиқ билан аралаштирамиз.

Тайёр бўлган суюқликка ун кўшиб, қошиқ билан аралаштирамиз.

Қолипни яхшилаб ёғлаб, тайёр бўлган хамирни қолипга қошиқ ёрдамида соламиз.

Духовканинг иссиқлик даражасини 150 га тушираамиз. Қолипни духовкани ўрта қисмига кўйиб, 25-35 дақиқа давомида пишираамиз.

Бу кекс учун фақатгина олча эмас, балки майиз, олма, сувсиз нок, ёнғоқ каби маҳсулотлар ишлатиш ҳам мумкин.

*Гўзал тайёрлади.*

